

НУРУЛЛОҲ ДОСТОН

ФАСЛИ ИШҚ

(Шеърлар ва ғазаллар)

**«MERIYUS»
Тошкент-2013**

УДК: 821.161.1-1

ББК: 84 (5Ў)7 -

Д-74

Достон, Нуруллоҳ

Фасли ишқ: шеърлар ва ғазаллар/ Н.Достон. -
Тошкент: MERIYUS, 2013. - 96 б.

*Нуруллоҳ Достон (Нурулло Остонов) 1991 йилдан Узбекистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Юлдузлар чақнаган тун", "Баҳор
ракси", "Йўлдаги булоқ", "Юрагимнинг безовота гули", "Қадим
йўлларда", "Осмон тўла фаришта", "Фасли куклам", "Тонгга пешвуз
чиқайлик", "Кўрқмас улоқча" номли шеърлар тўпламларининг
муаллифи*

© Нуруллоҳ Достон (Н.Остонов)

ISBN 978-9943-395-69-5

© MERIYUS нашриёти

*Ушбу китобимни Ватан
озодлигининг 22 йилигига бағишилайман*

АНБАРАФШОНИМ ВАТАН

Ўтди қанча замонлар. қанча давру давронлар,
Кездим турфа жаҳонлар, жонга жононим Ватан.

Бағри баҳорга монанд, тупроғи зарга монанд,
Оби кавсарга монанд Сир, Зарафшоним Ватан.

Онам каби ғамгусор, отам каби хокисор,
Осмонлари беғубор жаннатмаконим Ватан.

Ўзинг пушти-паноҳим, топган меҳригиёҳим,
Муқаддас саждагоҳим, рўйи жаҳоним Ватан.

Равзаи жаннат ўзинг. Каъбаи зийнат ўзинг,
Рӯшнои давлат ўзинг, булбулзабоним Ватан.

Дилга офтобдир васлинг, элга меҳробдир наслинг,
Танти авлоддир аслинг, меҳри равоним Ватан.

Ўзбекнинг нишонаси, ёруғдир пешонаси,
БМТ кошонаси таҳтиравоним Ватан.

"Шашмақом" мақомлари, суроъи қаломлари,
Салламно саломлари, илму иймоним Ватан.

Ёғди кўп бало тоши, ёвдан омондир боши,
Минг асрлар бардоши, марду майдоним Ватан.

Ота макон, она юрт, тупроғини кўзга сурт,
Фурбат эрур ўзга юрт, томримда қоним Ватан.

Киндик қоним тўқилган, мингта жоним тикилган,
Байроқ тутиб йиқилган садқадир жоним Ватан.

Истиқдолни эъзоз қил, Ҳумо қуши парвоз қил,
Муборак йигирма йил, ҳур жовидоним Ватан.

Эшигинг нурга тўлсин, бешигинг гулга тўлсин,
Ҳур қизу улга тўлсин, анбарафшоним Ватан.

Нуруллоҳ, бир куйчиман, тўйлаган бир тўйчиман,
Ўз элимдан элчиман, Ўзбекистоним Ватан!

КАЛОМ

Ўзинг қўлла Ҳаққи комил, мадад қил,
Уммон аро сабру дилни садаф қил.
Рушди ҳикмат, ҳидоятта шараф қил,
Аҳли фосик, ёмонни бир тараф қил
Ҳар бало-ю ҳар қазони даф қил.

Ўзинг қўлла Ҳаққи комил, мадад қил,
Жамолингни кўкли моҳи ражаб қил.
Аъмоли баъд, ғанимларга ғазаб қил,
Ажру амал оташида азоб қил,
Ҳар бало-ю ҳар қазони даф қил.

Ўзинг қўлла Ҳаққи комил, мадал қил.
Аҳли ишққа шарму ҳаё либос қил.
Калима-и шаҳодатни асос қил,
Яхшиликни ёмонликдан халос қил
Ҳар бало-ю ҳар қазони даф қил.

ЧУМОЛИ

Нафси олғир ҳаволидан қўрқ.
Дўсти чоғир аъмолидан қўрқ,
Нух тўфони мавжидан қўрқма,
Феъли собир заволидан қўрқ.

Тулки-шоқол, бўридан курқма,
Ҳайвонларнинг зўридан қўрқма,

Одамзоднинг ўридан қўрқма,
Тирикликнинг уволидан қўрқ.

Билки, ота-она келар мўрт,
Гарди пойин кўзларингта сурт,
Қорачиқда омон қолган юрт -
Ёғийларнинг таловидан қўрқ.

Алломалар риштаси чироқ
Фоҳишалар ишваси тузоқ,
Яқинларнинг фитнаси яроқ,
Миннат аҳли паловидан қўрқ.

Оғир ўт-сув, тухмат балоси,
Устихонни ўртар жафоси,
Охирадта бўлур жазоси,
Рўзи маҳшар саволидан қўрқ.

Дунё ҳеч вақт бўлмаган тўқис,
Гоҳ тиф урган, гоҳида бигиз,
Бахт ва кулфат ҳамиша эгиз,
Хиёнатнинг шамолидан қўрқ.

Жасадингни титар нимталаб,
Гўрингдан ҳам кетар елкалаб,
Ватанингни сотар тилкалаб,
Талагувчи чумолидан қўрқ.

САНО

Ғунча яноғида шудрингми-нурми,
Кўклам ёғусига чайилган юзи.
Нафис шаббодалар тортқилар хурни -
Баҳор - табиатнинг ораста қизи.

Куйлаб юборади кекса мажнунтол,
Софинч тирқирайди кўйлакларида.
Муҳаббат уйғонар, уйғонар висол,
Лайланклар тўқиган турмакларида.

Чапани байталлар чорлар жуфтини,
Чўпон чопонида чучмома атри.
Танти табиатнинг кўринг лутфини,
Алвондай чўғланар қўёшнинг сатри.

Қайтадан бошлинар ҳамал ҳисоби,
Гупроқقا жон берар, тирикка тузим.
Боғларда гуркирар баҳор хитоби.
Кушлар сано ўқир, гулларда таъзим.

БИЛДИРМАЙГИНА

Юрагимни эзма найгина,
Фамларингни нурга чайгина,
Таскин берар оғу - майгина -
Кунлар ўтар билдирамайгина.

Болалигим - қизғалдоқ умрим,
Бийрон күшим - овунчоқ қумрим.
Гиёҳларга сочилган шудринг -
Ойлар ўтар билдирамайгина.

Унутилар қайноқ бўсалар,
Дилни тилар ширин ғуссалар,
Чўкиб борар полвон жуссалар,
Йиллар ўтар билдирамайгина.

Қайнайверар қуёш қумғони,
Ураверар юрак сандони,
Қийнайверар ҳаёт зинданни,
Йиллар ўтар билдирамайгина.

Тизни букиб гул япроғига.
Сажда қилиб юрт тупроғига,
Тафтни босиб дил қақроғига
Умр ўтар билдирамайгина.

Мажнун умрим лайлатулқадр,
Лайли бўлди тўлин ой - бадр,
Фунчалади руҳимда сабр,
Умр ўтар билдиримайгина.

Ҳаёт шундай сирли мўъжиза,
Тиз чўкканни қиласи изза,
Адл турсанг, уради тизза
Умр ўтар билдиримайгина.

Улғаямиз тилло бешикда.
Ўрганамиз қўлга мушукдай,
Кетаяпмиз чўбин эшикдан
Умр ўтар билдиримайгина.

ТИНМАС

Муҳаббат оғриқми, тузалиб кетса,
Муҳаббат риштами, узилиб кетса.
Ёки келинчакми, сузилиб ўтса-
Қалбимда түфёнлар садоси тинмас,
Қўнглимда ҳижронлар дарёси тинмас.

Ҳар тонг деразамдан иффор келади,
Мени соғинтирган баҳор келади,
Ойдай тўлиб ул ёр, дилдор келади,
Қалбимда қўкламлар сабоси тинмас,
Қўнглимда армонлар навоси тинмас.

Севги саҳросида ташна булоқман,
Қанча яқинлашсам, шунча йироқман,
Кечиб кетолмадим ғамза фироқдан,
Қалбимда Карбало саҳроси тинмас,
Қўнглимда айрилиқ жафоси тинмас.

Ўзим гуноҳкорман, қўпдир гуноҳим,
Ўзинг ишқ бергансан, қўлла Илоҳим,
Менинг ҳаётимсан, танҳо паноҳим,

Қалбимда мұхаббат нидоси тинмас,
Күнглимда булбули гүёси тинмас.

ТОЗА ГУЛ

Сен бокира, бир тоза гулсан,
Кипригингга ғубор құнмаган,
Очилади чечаклар, күлсанг,
Лабларингда қуёш үйнаган.

Сочларингнинг занжири афсун,
Сөхрлади телба ҳушимни,
Айт, күзларинг бунчалар маңзун,
Үқиётир менинг ҳукмимни.

Қошларингнинг қалдирғочига,
Банди бүлди бандай машраб,
Мени осғыл ишқ оғочига,
Жасадимни кетмагил ташлаб.

Ситорангда ҳаё гулхани,
Қизғалдоқтар ёнар тафтидан.
Гулзор қани, аё, гул қани,
Адаштириди жунун афтидан.

Мақтovларим ҳали ичимда,
Бунча куркам, зеби фалаксан.
Үн саккис минг олам ичинда,
Үзинг таңдо ҳуру малаксан.

ИШҚИ ИЛОХИЙ

Сарвари оламга келганда ваҳий,
Ҳазрати пайғамбар бүлди салоҳий,
Бешикдан тобутта қадар ҳикмат шу-
Тириклиқ фасли ишқ, ишқи илоҳий.

Етишиб бормоқда умр поёнга
Келиб кетмоқдамиз қайдин қаёнга?

Фақат бир ҳақиқат ўхшар аёнга-
Тириклик фасли ишқ, ишқи илоҳий.

Хулоса құлмадинг шунча йил яшаб.
Амалга талпиндинг қалтираб-қақшаб,
Қадрингни билмадинг одамга ўхшаб,
Тириклик фасли ишқ, ишқи илоҳий.

Макрдан иборат илму амалинг,
Шайтоннинг сабоги бўлди тамалинг,
Тушуниб етмадинг кетар маҳалинг,
Тириклик фасли ишқ, ишқи илоҳий.

Фанода фақир бўл, эл меҳрибони,
Муҳтоҷдан аяма бир бурда нонни,
Англагил топширсанг омонат жонни-
Тириклик фасли ишқ, ишқи илоҳий.

МЕЗОН

Адоват сақламас одам вазмини,
Шайтон қиздиради нодон базмини,
Сўрови бўлар ҳар луқманг ҳазмини.
Ўткинчи ҳаваслар қурбони бўлма.

Шоҳ бўлсанг, раият шафқатини қил,
Магарким гадосан, меъёр-ҳадни бил,
Ортиқча сўзлама, гўрга тиқар тил
Ўткинчи ҳаваслар қурбони бўлма.

Фараз құл - замин уй, сен унда мәҳмон,
Келишдан мақсад йўқ, на кетиш аён,
Йўлингни тўсади учраган ҳайвон
Ўткинчи ҳаваслар қурбони бўлма.

Баъзида ҳақ сўзинг туҳматдан ўтар,
Баъзида рост гапинг фитнадан баттар,
Фақат куллар туттан байроқни кўтар,
Ўткинчи ҳаваслар қурбони бўлма.

Бехуда талашма, тирашма тентак,
Йўлингда дуч келса, уч-тўргіа эшшак,
Сафига қўшади, ҳанграсанг гартақ
Ўткинчи ҳаваслар қурбони бўлма.

ТАҚДИР

Бешафқат кунларнинг ўтгани шудир,
Гоҳида оғу-бол тутгани шудир.
Кеча қиши хукмида бўлган боғларда
Бугун куртакларнинг бўртгани шудир.

Ўтади беғубор болалик шодон,
Ишвали кулади гул ҳаёт хандон.
Улғайиб бўламиз доно-ю нодон,
Карвоннинг манзилга йўртгани шудир.

Гуноҳга ботамиз азалдан бир-бир,
Иймонни сотамиз амал деб бир-бир,
Дўстларни отамиз шул дея тақдир,
Тегрангда ёлғоннинг урчгани шудир

Ўрганиб қоласан мақтоб-олқишига,
Фурсатинг етмайди ортга боқишига,
Киришиб кетасан ёппа сотишга,
Шайтоннинг иймонни ютгани шудир.

Яшайсан алдовга жонни қантариб,
Аюҳаннос соласан инсоф ахтариб,
Ўзингни тутасан хокисор, ғарип,
Тақдирнинг толеъга битгани шудир.

Ўзингдан зўр чиқса, мақтаб ёғладинг,
Ожизни доғладинг, дилни чоғладинг,
Қурбонинг бошида белни боғладинг,
Будундан диёнат кетгани шудир.

Фафлатда яшадинг, ғофил тўрасан,
Бесамар умрингга қотил жўрасан,
Экканинг гуллади, ҳосил ўрасан,
Тақдир манглайингта битгани шудир.

ХУДПАРАСТ

Бўлиссан, тўрасан, олий мартабанг,
Билмадим, қай узлат сифинган каъбанг,
Шайтоннинг макрига ўхшайди сажданг
Бандани хўрлашгэ Худо эмассан.

Беибо жабрингдан кимса қадри хор,
Ҳар гуноҳ сабобга Ҳақнинг ажри бор.
Амалнинг пойида бўлдинг мардикор,
Бандани хўрлашга Худо эмассан.

Мардга тўн тор келмас ўлчанса бичим,
Оқил ҳар амалга топали ечим,
Сузишни билмасанг гарқ айлар кечим
Бандани хўрлашга Худо эмассан.

Дунё покланмаса кибр, миннатдан,
Жудолашиб борар турфа зийнатдан
Бекор қувилмади шайтон жаннатдан,
Бандани хўрлашга Худо эмассан.

Замин чархпалакдир, карвон тийилмас,
Инсон тирик бўлса, ризқи қийилмас,
Сабр нимкосаси бекор ейилмас,
Бандани хўрлашга Худо эмассан.

Бунча худпарастсан, бунча майдасан,
Оёғинг қайдо-ю, ўзинг қайдасан,
Элнинг назаридан қолган бандасан,
Бандани хўрлашга Худо эмассан.

ТАВБА

Тақдирнинг хукмидан кутулмоқ душвор,
Измида синайди ҳар фақир, бийни.
Хўроз қичқирмасдан дўстлари уч бор,
Сотишга улгурди Исо Салбийни.

Ҳаёт посангиси ҳолис тарози,
Бир енгил келасан, бир тош босасан.
Бирда қотил бўлсанг, бирида қози,
Бирда осиласан, бирда осасан.

Ўзингни синасанг амал кўшкида,
Эшшак бозорига далил бўлиб кўр.
Иймонни сотарлар уч пул ишқида,
Уларнинг сафида ҳалол бўлиб кўр.

Қара, атроф тўла издиҳом тўпи,
Елкалаб кетмоқда аччиқ қисматин.
Ваҳдату сийратдан мосуво кўпи,
Бажариб ўтади шайтон хизматин.

Киёмат хукмини англамас банда,
Иймонни сотади ажал дамида,
Тавбага келмайди жон чиқар дамда,
Дўзахга кетади тўнғиз қавмида.

МЎЛТОНИЛАР

Фойдасидан кўпдир зиёни,
Найрангининг йўқдир поёни.
Билмас номус, шарму ҳәёни,
Мўлтонилар бузар дунёни.

Эшигингдан кирав бостириб,
Чўнгагингни қоқлар ғоз туриб.
Турли найранг топар ром кўриб,
Мўлтонилар бузар дунёни.

Ҳақ бор жойда адолат ғолиб
Бир бад касри мингни ўртайди.
Мұлтонилар бир четда қолиб,
Мұлтонилик қылгич күпайды.

Барча билан топишади тил,
Орасидан ўтмас гарчи қил.
Англамайсан - гапи чин-ҳазил
Мұлтонилик қылгич күпайды.

Күрсанг ўзи хокисор етим,
Хар макрига топади ечим.
Шайтон билан тузади битим
Мұлтонилар бузар дунёни.

Захри қаттол, шириң забони,
Үйнатади Одам Атони,
Элда қиласар оби-ҳавони
Мұлтонилар бузар дунёни.

Усиз ўтмас ҳеч бир маросим,
Хар кимсага ўтказар босим,
Вужудига ёвуз рух ҳоким
Мұлтонилар бузар дунёни.

НАФАС

Умринг сайёди тортилган милда,
Тириклик ўлчови омонат қилда.
Олган ҳар нафасни сүнгти дам билда
Ўтган ҳар дамингни сүнгти нафас бил.

Одамга тил берди Яздони олам,
Барча жонзодларни қилди мусаллам.
Келмоғу-кетмоқни қилди хат-қалам
Ўтган ҳар дамингни сүнгти нафас бил.

Ҳей, инсоғ күчаси қайда, билмаган,
Нафсиға эрк бериб, назри илмаган.

Иймондан лоф уриб, эҳсон қилмаган,
Ўтган ҳар дамингни сўнгги нафас бил.

Бирорда мол бисёр, бирорда баҳт йўқ,
Бирорда тоҷу-таҳт, бирорда вакът йўқ,
Бирорда насия, бирорда нақд йўқ,
Ўтган ҳар дамингни сўнгги нафас бил.

Умр-ку ўтади жангу жадалда,
Гоҳ виждан қамалда, гоҳ жон қамалда.
Худони танимас нокас амалда
Ўтган ҳар дамингни сўнгги нафас бил.

Улусда бурд қочар иғво-низодан,
Ноҳақ жабрдан қўрқ, бевақт қазодан.
Ҳеч кимса қутилмас одил жазодан,
Ўттан ҳар дамингни сўнгти нафас бил.

Кимки арконини фарзи илм этур,
Риёзат, сабр ила сайқалга етур.
Илму амал, шойиста хулқ. дўст зуҳур-
Ўтган ҳар дамингни сўнгги нафас бил.

* * *

Жисму танини руҳи жонга қафас бил.
Маърифатга нафси жоҳни абас бил.
Ҳар бандага Яратгандин мадад бор,
Ғанимат ҳар дамни сўнгти нафас бил.

Тугал бўлди Тангри амри-ла олам,
Халиф ўлди анга Ҳазрати Одам.
Манглайингда нури Ҳудо мужассам,
Ғанимат ҳар дамни сўнгти нафас бил.

Тариқатга етар банда сидқ ила,
Шарнатга амал қилгай фикҳ ила.
Мақомотга кимса етмас тиф ила,
Ғанимат ҳар дамни сўнгти нафас бил.

Тариқатдир нафас, қадам ул-карам,
Сукут айла, бўлар-бўлмас урма дам.
Зино қилма, ҳалол ишла, бўлма кам
Ғанимат ҳар дамни сўнгги нафас бил.

Мақомотда зоҳиран тавба қилгил,
Дилни покла, ботинан тавба қилгил.
Ғайри шаръий корини канде қилгил
Ғанимат ҳар дамни сўнгги нафас бил.

Нафси амморага айлагил жиҳод,
Сабр бирла мақсуду ҳосил мурод.
Қилгил иймон манзилига эътиқод
Ғанимат ҳар дамни сўнгги нафас бил.

Маърифатни тариқат ахкоми бил,
Сидқ, саховат, тафаккур қўргони бил.
Таваккул қил, ишончинг сорбони бўл.
Ғанимат ҳар дамни сўнгги нафас бил.

ЖУНУН МАНЗИЛИ

Ҳовучлаб ичади кўзларинг ғамни,
Қимтилган лабларда гуноҳнинг муҳри.
Жунун манзилида аврар одамни
Таъқиқланган жаннат гулининг зуҳри.

Уят-андишанинг ночор жомаси,
Илон авраётган афсунгар дами.
Ширин таъқиқдаги жаннат олмаси -
Руҳга бўйсунмаган муҳаббат таъми.

Ҳаёдан тўлғаниб титрайди тутён,
Чанқовуз лабида оҳанг жилваси.
Ишқ оғу шароби, ғафлатдан уйғон,
Диндан чиқарали шайтон ҳийласи.

Бўсага шайланган мажнунтол каби,
Вужудни эркалар жаннат қушлари.
Ўпиб ўлдиради энди ёр лаби,
Бошингда янчилар таъна тошлари.

Тонгда очиласан намозшомгулдай,
Кўзларинг эслатар рақси самони.
Тиланчи авайлаб санаган пулдай-
Садақа қилинган жаннат таоми.

Яна беҳуш қилар беҳишт атридан,
Пешвуз чиқаётган тақдир висоли.
Ўртаниб яшайсан шайтон макридан,
Жаннатдан қувилган одам мисоли.

МАНГУ ИШҚ

Фуссалардан йиллар улғайди,
Ой чехралар гулдай сарғайди,
Ўжар юрак иқрор бўлмайди,
Яна сени кўргим келади!

Наво ўтди, бенаво ўтди,
Ўртамиздан бир дунё ўтди,
Тан олмадик, не хато ўтди,
Ҳамон сени кўргим келади!

Фунчаларнинг лабида ҳайрат,
Энтикирар қушчалар сайраб,
Келдим шунча ўзимни алдаб,
Нетай, сени кўргим келади!

Шалаббодир ёмғир кўйлаги,
Қучоқлайди чақмоқ билаги,
Оқ кўйлакли баҳор малаги,
Сени жуда кўргим келади.

Вақт туташди эшигимиизда,
Софинч қолган бешигимиизда,

Мангу ишқ бор қўшиғимизда,
Сени жуда кўргим келади!

ВАТАН ШАЬНИ

Ватан, боболардан мерос қаломим,
Ёнарсўз пайғомим, мозий карвоним,
Сенсиз мен қуёшсиз, нурсиз гиёҳман
Тилга киармиди тилсиз забоним.

Ватан, ўланларинг рақсида тугман,
Алвон гиламларинг кўксида чўғман.

Мевали дарахтсан, йўқ тош отмаган,
Бўғзингга осилар сотган-сотмаган,
Шунчалар бағрикенг, осмон ҳимматинг,
Гарчанд чандиқларинг изи қотмаган.

Бешикларинг турфа гулларга тўлсин,
Эшикларинг қизу улларга тўлсин.

Дунё баҳра олди илм-ирфонингдан,
Кўзим қувонади шаъну шонингдан.
Машриқдан мағрибга қадар овозанг,
Оврупага ўрин бердинг ёнингдан.

Саҳрова ташнага сув бермоқ савоб,
Қуёш останангда қиласи тавоб.

Осмондан узилиб тушган жаннатсан,
Бошларга ёғилиб турган раҳматсан.
Пайғамбар назари тушган қадим юрт,
Сабрдан тикланган улуғ давлатсан.

Лойсувоқ уйларинг иймон бешиги,
Ҳар битта алломанг дунё эшиги.

Ялласиз гўшанг йўқ, алласиз уйинг,
Хислатсиз решанг йўқ, боласиз тўйинг.

Муқаддас саждагоҳ, кўнгил жавҳари
Туғингда порласин юлдузинг, ойинг,

Элни тарқ этмасин қут-баракалар,
Сенга муборакдир тўй-маъракалар.

БАЛДАИ МАҲФУЗА

Зардушт, сўғдан сўйлаган овозаси,
Осмонларга бўйлаган ҳавозаси,
Дўстга очиқ жаннатий дарвозаси,
Аҳли илм меҳроби афрўзаси,
Ганжи замин балдаи маҳфузаси.

Дин арабда, Туркистонда амали,
Илм ажамда, Самарқандда тамали,
Тўрт фаслни тент қиласи ҳамали,
Боги Бўлдо, Кўҳаку Ферузаси,
Ганжи замин балдаи маҳфузаси.

Манглайида нури Худо жилоси,
Етти иқлим таърифида қиёси,
Ҳар гиштида алломалар дуоси,
Ҳар минори, қатъасию қўзаси,
Ганжи замин балдаи маҳфузаси.

Етти шаҳар хоки ниҳон сабрида,
Ҳарбу зарби, жабри аён қаҳрида,
Келажакнинг тонги лисон бағрида,
Афросиёб, Конигил марғубаси,
Ганжи замин балдаи маҳфузаси.

Қадим карвон зунноридир Самарқанд,
Аҳли иймон рафторидир Самарқанд,
Дўсту меҳмон дийдоридир Самарқанд,
Моҳитобон равзай афрўзаси,
Ганжи замин балдаи маҳфузаси.

УЛУФ ЮРТ

Кипригимнинг найзаси камон,
Бўй чўзган ҳар майсаси қалқон,
Қон томири, найчаси дармон,
Фарзандлари баркамол Ватан,
Сарҳадлари безавол Ватан.

Ўзбекнинг шўр пешонасига,
Паноҳ бўлдинг чакмонинг билан.
БМТнинг кошонасига
Кириб бординг кетмонинг билан.
Соддадилим, андишам Ватан,
Озод элим, ҳар рещам Ватан.

Инқилобу суронлар аро,
Азобларда пешланди калла.
Бошига тортди буҳронлар аро
Бири шалка, бирори салла.
Бошни омон сақлаган Ватан,
Адолатни ёқлаган Ватан.

Дарё эдинг, оқдинг шарқираб,
Озод бўлдинг зулм сабридан.
Манглайнинг толе ярқираб,
Халос бўлдинг кишан жабридан.
Жигар-бағри доғланган Ватан,
Қиличларда тобланган Ватан.

Дуо билан кўкарған элсан,
Сабр билан енгган балони.
Кўйдай ёввош, шикаста дилсан,
Тиканлардан зада товони.
Андишада султонсан Ватан,
Кўтарилсанг, вулқонсан Ватан.

Алломалар улуғлаган юрт,
Оlam яна кўрди бўйини.

Чандигини пешонангга сурт,
Пайваста қил тўйга-тўйини.

Юлдуз бўлиб чорлаган Ватан.
Кўк тоқида порлаган Ватан.

СЕН БАҲОРНИ БОШЛАБ КЕЛАСАН

Кўзларингда чақмоқ ёлқини,
Сочларингда шиддат тўлқини.
Васлинг ишқнинг сархуш талқини,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Кизғалдоққа тўлади томлар,
Дилдан озод бўлади ғамлар.
Хуш ҳаволи, наволи дамлар
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Хуммор кулишларинг чиройли,
Нозли юришларинг чиройли.
Инжу кумушларинг чиройли,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Фунчалайди бўғзимда ҳайрат,
Боғлар қўйни гуллаган жаннат,
Бу не гулшан, бу қандай санъат,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Уйғонади баҳор ҳар нишда,
Қувват олар ҳар гул, ҳар ришга,
Сулув хилқат, кутлуғ фаришта,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Жанинат гули Момо Ҳаввосан,
Одам Ато айтган навосан.
Қанча мақтov бўлса равосан,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Кўкда Ҳулкар бўлиб порлаган,
Ерда гавҳар бўлиб чорлаган,
Айт, ким сенга қўнгил ёрмаган,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Найчалайди найсонда тупроқ,
Яшил олам ёзади япроқ,
Боғларда баҳт гуллайди оппоқ,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

ОЙБАРЧИННИНГ НИДОСИ

Лочин кетиб, юришларинг бўяди ғоз,
Яхши билан ёмон фарқи қолди оз,
Адл туғи тикланмасми бир кун боз,
Алпомишдан қўрқмайсанми, Ултонтоз?

Ўз қавмингни бунча қийнаб хўрладинг,
Аямадинг, ёппасига зўрладинг,
Бойсун узра ўргимчакдай тўрладинг,
Алпомишдан қўрқмайсанми, Ултонтоз?

Ултониди, султониди насабинг,
Тозимиди, қозимиди мансабинг,
Кимга керак тирик мурда жасадинг,
Алпомишдан қўрқмайсанми, Ултонтоз?

Жон бошига солим сўраб келибсан,
Ҳаддан ошиб, қўлим сўраб келибсан,
Тақдирингта ўлим сўраб келибсан,
Алпомишдан қўрқмайсанми, Ултонтоз?

Бойсун эли асли феъли кенг бўлган,
Бири эну, бири бўйу енг бўлган,
Қузғун қачон бургут билан тенг бўлган,
Алпомишдан қўрқмайсанми, Ултонтоз?

Қилемишингни эл-улус ҳам билади,
Ярагандан фақэт тавфиқ тилади.
Эрта-индин Алпомиш ҳам келади,
Шунда унга нима дейсан, Ултонтоз?

АСҚАР МАҲКАМ ХОТИРАСИ

Бир гиёҳ атридай ифор сочмасант,
Шамчироқ тафтидай қадр топмасант,
Дилга йўл очмасант, кетмон чопмасант
Ичган тузинг қолар қолса фанода.

Магарким роҳатда юз йил яшадинг,
Суянчиқ бўлолмас топган мансабинг,
Тупроқда қорилар совуқ жасадинг
Босган изинг қолар қолса фанода.

Эгилиб ер ўпма ҳар хас олдида,
Умрингни совурма галварс олдида,
Ўзингни хор тутма нокас олдида
Жасур сўзинг қолар қолса фанода.

Муслимдай яшадинг, таслим бўлма ҳеч,
Ғаддор, кул халойиқ таъмасидан кеч,
Ложарам, дунёнинг нағмасидан кеч
Ёруғ юзинг қолар қолса фанода.

Юзингда нур бўлсин, ғайри сўйлама,
Учраган ҳар касга дардинг тўйлама,
Яхшисан, ёмонлик ҳаргиз ўйлама
Босган изинг қолар қолса фанода.

Аҳли иймон бўлса, дил тафтини соч,
Дўсту меҳмон келса, қучоғингни оч,
Баракали уйга қўнар қалдирғоч
Ўғил-қизинг қолар қолса фанода.

ФАСЛИ ҲАМАЛ

Фасли ҳамал тоқатида битди савур,
Замин юмшаб, меҳваридан чиқди ҳовур.
Қизғалдоқлар қоматлари бўлди савр
Сулув қизлар ёноғида кулди Наврӯз,
Кушчаларнинг сайроғида келди Наврӯз.

Илдиз отиб, ерда тупроқ найчалади,
Такбир ўқиб яшил ўтлоқ майсалади,
Ёш юраклар тунда уйғоқ най чалади
Гул-чечаклар япроғида кулди Наврӯз,
Бойчечаклар дудоғида келди Наврӯз.

Яллиғланар Афросиёб хобгоҳлари,
Нурга тұлар авлиёлар даргоҳлари,
Юрагимни сел қиласи сегоҳлари
Ул қадим жон тупроғида кулди Наврӯз,
Абри найсон фироғида келди Наврӯз.

Само гумбур, сувда ёмғир думчалайди,
Хар юракла ишқ ниҳоли ғунчалайди,
Висол истар қанча Мажнун, қанча Лайли
Үт-чақынлар чароғида кулди Наврӯз,
Үтли кўзлар қароғида келди Наврӯз.

Бўлди хулво интизор дил гардишлари,
Қилди ялло муҳаббатнинг дарвишлари,
Омон бўлсин шодликлари, ташвишлари
Мажнунтотлар чироғида кулди Наврӯз,
Қизғалдоқлар байроғида келди Наврӯз.

Бу соҳилга етганиларнинг ризқи бутун,
Қора қозон ўчогидан чиқсан тутун,
Ҳалим билан сумалакка келтир ўтин
Сардафттарим вароғида кулди Наврӯз,
Чакмонимнинг ямоғида келди Наврӯз.

ЖАНГНОМАИ ЯҲЕ

Ҳар бир бошда ҳар турфа,
Бўлар экан ҳангома.
Икки бошга бир кўрина,
Шундан барча жангнома.

Тор кўрпани талашиб,
Оёқ-қўллар толади.
Бошга тортганда сабил
Оёқ чиқиб қолади.

Хотин истайди ором,
Мен истайман ҳаловат.
Чорак асрдан буён
Бўй бермайди касофат.

Икки бошни бир қилиб,
Ямаб келдик йўрмалаб,
Бир кўрпадан тўрт бола,
Чиқиб кетди ўрмалаб.

Бир кўрпада умримиз,
Икки бошга бир айвон.
Эру хотин қўш ҳўкиз,
Дилда тахти Сулаймон.

Хотин тортади бошга,
Мен тортаман оёқса.
Кетай десам бош олиб,
Хотин дейди “Қаёқса?”.

Сабр қилсак, ҳадемай,
Бу кунлар ҳам ўтади.
Омон бўлсак бир кўрина,
Ҳаммамизга етади.

ШОИРЛАРНИНГ БАХШИСИ

Азим Суюнга

Куёш чиқар оловланиб Оқтобдан,
Жуманбулбул авжи янграп утовдан,
Дўмбиранинг мавжи тинмас қутловдан,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Чавандозлар жар солади тўй-тўйлаб,
Баковуллар меҳмон кутар ҳой-ҳойлаб,
Давра торған Алпомищдай бел бойлаб,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Нуротанинг тулпорлари кишинайди,
Бургутлари чўққиларда қишлиайди,
Юрагида қизғалдоқлар яшнайди.
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Элга эрка бўлар шоир султони,
Сўзи билан энтиқтираар дунёни,
Қўшиқларга Ватан бўлар осмони,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Чавандознинг зўри улоқ олади,
Ёвни кўрса йигит яроқ олади,
Ватан учун шоир байроқ бўлади,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Ўлчов эмас унга умр мезони,
Бола мисол идрок қиласар дунёни,
Юракларга жойлар меҳригиёни,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Сўзларидан уфуради дашт иси,
Ўланларга гал берайлик яхшиси,
Авлиёлар қўллаган юрт баҳшиси,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

ҲАМАЛ КЕЛДИ

Қирлар ёнар ял-ял само чароғидан,
Қизғалдоқлар мултирайди қароғидан,
Бойчечаклар ўпар чақин ёноғидан,
Тупроқ нишлаб, томирига амал келди,
Узоқ қишилаб Наврўз ила ҳамал келди.

Чучмомалар чопқиллайди қир бошига.
Турнақатор қушлар учар йил бошига,
Айланади қизлар баҳор сирдошига
Яшил олам изҳорига тамал келди,
Чақин чақнаб Наврўз ила ҳамал келди.

Қушлар сархуш юракларнинг сайроғидан,
Софинч тошар нигоҳларнинг қирғоғидан,
Найсон ёғар булатларнинг дудоғидан
Камалакнинг камонида қамал келди,
Фамза ташлаб Наврўз ила ҳамал келди.

Қийғос боғлар сочқиллайди гул исини
Мажнун күнгил ичар ҳилол ёғдусини,
Настаринлар яширади кулгусини
Қалдирғочлар навосида фазал келди.
Ялла бошлаб Наврўз ила ҳамал келди.

Қуш тилига мушки ҳулво шайдо бўлди,
Дастурхонда сумалаклар пайдо бўлди.
Бугун боғда савр қадди Лайло бўлди
Ўйғон энди, қадимискон азал келди,
Дала даштлаб Наврўз ила ҳамал келди.

Ҳатти малак эрка фасл зебосида,
Етти фалак нурланади либосида,
Келинсалом нози аён ибосида,
Ишқ майидан жомсўз айтар маҳал келди,
Кулиб яшнаб Наврўз ила ҳамал келди.

СОҲИБҚИРОНДИР ВАТАН!

Олам аро меҳроби жондир ватан,
Дил ҷароғи, офтоби қондир ватан.
Осмонимда моҳитобондир ватан,
Бўстонимда таҳтиравондир ватан.

Жонга дармон, танга қўрғондир ватан,
Элга султон, дилга иймондир, ватан.

Дов чавондоз донғи чиқмас самансиз,
Бенаводир булбул боғу чамансиз.
Фурбат ичра ғариб ўлгай кафансиз.
Тирикликда кувонч йўқдир ватансиз.

Бешигимга тоқи нарвондир ватан,
Эшигимга рўйи жаҳондир ватан.

Неча вақтким, тилим ғофил жим эдим,
Гарчи донғим, байти Бобил, Рим эдим,
Сен бўлмасанг бу фанода ким эдим,
Банди бедил, эрки йўқ маҳкум эдим.

Салтанатда Соҳибқирондир ватан.
Кўшқи ирфон, бошчи карвондир ватан.

Гиёҳингни жонимга пайванд қиласай,
Қучогингни равзай жанинат қиласай,
Тупроғингни кўзимга зийнат қиласай,
Таърифингни аҳли аржуманд қиласай.

Гулшанлари рангинқамондир ватан,
Ўғлонлари элга посбондир ватан.

Менда кўрку ҳашамларга йўқ ҳавас,
Чанқоғимга яхна чойинг бўлса бас,
Уй томида қизғалдоқлар кулса бас,
Меҳри тафting зарби қалбда урса бас.

Боболар жон тиккан макондир ватан,
Болам ардоқлаган райхондир ватан.

АЁЛ ВА БАҲОР

Ўзинг ҳурга ўхшаб кетасан.
Кўзинг нурга ўхшаб кетади.
Сўзинг гулга ўхшаб кетади,
Келган сенми, ёки баҳорми?

Суягимни қақшатди аёз,
Қанотимни чарчатди парвоз,
Нигоҳимни яшнатди хуш соз,
Кулган сенми, ёки баҳорми?

Боғлар хандон отди ҳиқирлаб,
Найсон инжу сочди шитирлаб.
Кулоғимга ишқдан шивирлаб
Елган сенми, ёки баҳорми?

Сени кўриб олам уйғонди,
Сочин ўриб, сабо тўлғанди,
Қир-далалар гулга чулғанди,
Гулишан сенми, ёки баҳорми?

Шаффоғ бўлди ойдин кечалар,
Нурга тўлди рангин кўчалар
Майгун бўлди мажнунпешалар
Севган сенми, ёки баҳорми?

Ўзинг малак, ўзинг қапалак,
Гоҳи камон, гоҳи камалак,
Гоҳи ҳалим, гоҳи сумалак.
Эркам сенми, ёки баҳорми?

Яна қандай айлайин қиёс,
Одамга жон ато қилган соз.
Васлинг қўлди ҳижрондан халос
Кўркам сенми, ёки баҳорми?

Сен жаннатдан адамиб тушган
Хурлиқосан, самандар күшсан.

Равза бўлди сен қучган гулшан,
Чаман сенми, ёки баҳорми?

Юзинг зебо, ифоринг ялпиз,
Кўзинг шаҳло, чиройинг наргис.
Оғушига фарқ этган денгиз -
Уммон сенми, ёки баҳорми?

БАҲОР ТАШРИФИ

Охулиги шаҳлога қиёс,
Жодулиги Лайлого қиёс,
Ярашади ҳар қандай либос
Оразлари ризвонга ўхшар.

Бу не ҳайрат, бу не тароват,
Юракларга сунди ҳарорат.
Гиёҳларда унди жасорат
Иффорлари раҳонга ўхшар.

Чақин чақнар шарор васлида,
Дала-даштлар гулзор қаслида.
Бир қиз келар дийдор фаслида
Инжулари найсонга ўхшар.

Ёноқлари уфқдан ял-ял,
Ҳар гиёҳга беради сайқал.
Қизғалдоқлар пойида машъал,
Нигоҳлари уммонга ўхшар.

Оғочларда тирқирар япроқ,
Ишқ тафтидан гуллайди тупроқ.
Қалдирғочлар парвози шўхроқ,
Қанотлари исёнга ўхшар.

Беҳуд кунлар аркони рӯё,
Чўмилади шодликка дунё,
Бир қиз келар тийнати раъно,
Қоматлари филмонга ўхшар.

СОФИНДИМ

Фироқингда жонима ўт туташи,
Оташида кўйди Карбало дашти.
Ҳажринг васли ҳижрон ила дучлашди
Ширин қалом сўзларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғиндим.

Оху моҳлар елиб ўтди йўлимдан,
Қизғалдоқлар кулиб тутди қўлимдан.
Оқкуш йиллар учди ўнгу сўлимдан
Камон қошли кўзларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғиндим.

Инжуларинг ўхшар абрュ найсона,
Жодуларинг менгзар оби ҳайвона.
Телба кўнглим элга бўлди афсона
Шубҳа-гумон розларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғиндим.

Дилдорлигинг қолишмайди малакдан,
Сен парисан тушиб келган фалакдан.
Дийдорингни бир кўришга ҳалакман
Дугор-танбур созларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғипидим.

Атринг жаннат сунбулининг ифори,
Сайёд кўнглим бўлди сайдинг шикори.
Воҳ қаддинга сандувоч дил нисори
Олма-анор боғларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғиндим.

Чечаклардан сенга бўлсин дуолар,
Ишқ меҳроби менга бўлди ридолар.
Ташрифингни бўлдим кутиб адолар
Сўлим баҳор-ёзларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғиндим.

ЗЕБОНА

Чўлпонга ўхшатма

Қизлар қоши ёй бўлди,
Зулфи суман сой бўлди.
Тун қўйнида тўлғаниб
Ҳилол тўлин ой бўлди.

Гулим-гулим. гулимой,
Тўлин-тўлин, тўлин ой,
Булбул розини тинглаб
Қизлар бўлди келиной.

Нақарот

Келин-келин келиной,
Ҳилол бўлди тўлин ой.
Тўлин-тўлин, тўлин ой,
Қизлар бўлди келиной.

Куёш кўкда чўғланди,
Замин нурга чулғанди.
Ўпич олиб кўкламдан
Кўнгилда ишқ уйғонди.

Нақарот

Нур сочилди гулшангага,
Гулга тўлди гўшангага.
Келин-куёв пойига
Сочилди тилло танга.

Нақарот

Зебо-зебо, зебона,
Қизлар бўлди жонона.
Вомиқ ҳажрида Узро
Ўхшар моҳитобона.

Нақарот

Келин-келин келиной,
Ҳилол бўлди тўлин ой.
Тўлин-тўлин, тўлин ой,
Қизлар бўлди келиной.

ШУНГА ШУ

Аҳад Эсонга

Сабр жоми тўлар бир куни,
Ёқтирмайсан ағёр хулқини.
Кўрмай дейсан рафтор-турқини –
Султон кўнгил хилватни истар.

Лайли йиллар ўтар билдирамай,
Кўпкарига солар тиндирамай.
Фиротинг ҳам кўяр миндирамай,
Вулқон кўнгил шиддатни истар.

Мушфиқ онанг тушар ёдингга,
Келолмайди у ҳам ёнингга.
Замин заранг, етмас додингга
Армон кўнгил сийрагни истар.

Кўш ҳайдовга қолсанг ярамай,
Хотининг ҳам кўяр қарамай.
Фарзандларинг қочар сўрамай –
Карвон кўнгил сарҳадни истар.

Яшашида йўқ на мантиқ ҳазми,
Гирдинг тўла аросат базми.
Сухан гафлат сохтакор назми –
Сўзон кўнгил жаннатни истар.

Олтov бўлсанг отангдан ёлғиз,
Қайда ака-ука, ўғил-қиз?
Шаробдан куй, эй умри азиз,
Меҳмон кўнгил улфатни истар.

Боқиб кузда учган япроқقا,
Кўз ёшларинг томар тупроқقا.
Чақирганда бир кун сўроқقا –
Хижрон кўнгил ваҳдатни истар.

СУҲАЙЛО

Яна сени кургим келди Суҳайло,
Сочларингни ўргим келди Суҳайло,
Сочинг занжиридай кўнглим паришон,
Иzlарингдан юргим келди Суҳайло.

Нақарот

Лайли-Лайлло-Лайло, қилдинг адо Суҳайло,
Лайлло-Лайлло-Лайли, жоним фидо Суҳайло.

Қизғалдоқлар оҳи тутди саҳрони,
Мажнун бўлдим, гуллади ишқ армони.
Адо қилди мужгонларинг пайкони
Яна сени кўргим келди Суҳайло.

Нақарот

Сани излаб Адан даштида доғман,
На қаландар, на телбаман на соғман.
Парвонага талпинган шамчироқман,
Яна сени кўргим келди Суҳайло.

Нақарот

Қайларласан қоши абру камона,
Лаби кавсар, сўзи оби ҳайвона.
Сани қўмсаб тўлар бўлди паймона,
Яна сени кўргим келди Суҳайло.

Нақарот

Қанча нозу фироқларда адашдим,
Олма-анор дудоқларда адашдим.
Ишқдан олган сабоқларда адашдим,
Яна сени кўргим келди Суҳайло.

Нақарот

Даврон ўтар, карвон йўли тўхтамас.
Жонон ўгар, армон йўли тўхтамас.
Бу дунёда ҳеч ким сента ўхшамас,
Яна сени кўргим келди Суҳайло.

САМАРҚАНД МАДҲИ

Гулгун ватан бўстонида дилдор Самарқанд,
Юлдуз чаман осмонида гулзор Самарқанд.

Боғлари бол, оби зилол, бағри хушанбар,
Кўксига зеб бермиш ҳилол, шаъни музaffer.

Илми улуғ, баҳти тўлуг, хуммор Самарқанд.
Байрамларинг бўлсин қутлуғ, алёр Самарқанд.

Дўстга очиқ дарвозаси, тўкин дастурхон,
Оlam аро овозаси тилларда достон.

Алломалар бешигида бардор Самарқанд,
Ҳар фарзанди эшигида сардор Самарқанд.

Авлиёлар қўллар мудом чилтонларини,
Ҳидоятта йўллар мудом султонларини.

Кўхна замин тупроғида зуннор Самарқанд.
Обидалар ардоғида туммор Самарқанд.

Қадим сўғднинг салосидан Зардўшт Самарқанд,
Пиру комил дуосидан баржўш Самарқанд.

СОРБОН САМАРҚАНД

Оlam элининг ифтихори, сорбони Самарқанд,
Кўнгил уйининг меҳрибони, дарбони Самарқанд,

Дилдор топмадим дунё кезиб етти иқлимда,
Тинчлик элининг дилда бори, посбони Самарқанд.

Ҳар бир қаричи авлиёлар, пирлар макони
Тарих қатида барча замон мардони Самарқанд.

Нозли хироми ғулгулага ташлади жонни,
Бир ишва билан олди ҳаёл, жонони Самарқанд.

Ёғий пайкони шуъласида олди аланга,
Кул бўлди қуёш, жанг жадал қурбони Самарқанд.

Қаддини тутиб қайта бино бўлди неча бор,
Мангу жовидон бўлди яна фармони Самарқанд.

Зардушт ишқидан ваҳдат сари қўйди қадамни.
Қадри улуғу, нурга тўлиқ осмони Самарқанд.

Алп Эртўнганинг ҳур чамани, рахшони Самарқанд.
Дунё элининг шаҳсувори, достони Самарқанд.

БИЛМАСИН

Ўнг қўлинг қилган амални чапда ағёр билмасин,
Сўл қўлинг кезган чаманин ўнгда дилдор билмасин.

Яхшилик дарёси улким, хислати таъма эмас,
Яхшилик қилсанг балиқقا, оққан анҳор билмасин.

Мақсадинг хайру эҳсондир, савту шоён шарт эмас,
Обод эрса битта кўнгул, кимса асрор билмасин.

Андалиб боғларда пинҷон, ҳониши оламга хуш,
Фунча лаб очса саҳарда гулзури билмасин.

Мартабанг бисёр кўпайсин, элда шўриш айлама,
Адл ила дунёни олгил, кўкда жаббор билмасин.

Дўсту улфат лаврасида ҳэр сўзингни пухта қил.
Қанча қилсанг базми жамшид, уйда рўзгор билмасин.

Гул ҳаёт дор бирла дорбоз, эпласант ўйнашга кир.
Эгламас эрсанг усулни оғочи дор билмасин.

ЯҲЁГА АЙТ

Фасли ишқ Мажнун қиёс, рози дил Лайлогоғ айт,
Лаблари қўрмиз гилос, юзи гул раънога айт.

Еру кўк белбоғида, нурли тонг тўлғоғида,
Айни кўклам чоғида, ол яноқ саҳрода айт.

Лаҳзалар тақдир хати, тахланар йиллар қати,
Йўқ тириклик шафқати, бетиним дарёга айт.

Келмоғу кетмоқ тайин, англатар борган сайин,
Сипқариб ноби майин, ҳур сўзинг дунёга айт.

Бўлмагил нокасга пеш, йўлда йўлдош бўлма ҳеч,
Ваъдаси тоғ бўлса кеч, рафтори яғмога айт.

Хуш калом, сұхбати дил, бул ҳаёт малҳами бил,
ЛАФЗИНИ ПАЙВАСТА ҚИЛ, соқиё жонога айт.

Не гапинг бўлса жигар, сенга эш бўлмас дигар.
Аҳволингдан бер ҳабар, когиб-ул Яҳёга айт.

ТАСАДДУҚ

Ёрни ярагиб кўкда ўзи ҳайронга тасаддуқ,
Қоши қаламу, оҳу кўзи мастана тасаддуқ

Жонимға солиб ишқ ўтини ўтдию кетди,
Аршга ўрлади ўт тутуни, жонона тасаддуқ.

Майда қадами, нозли хиром, кулгуси иннҳон,
Неча ошиғи бўлди фулом, хандона тасаддуқ.

Занжир зулфини дор қилибон бўйниға солди,
Қисмат кўкида моҳитобон, девона тасаддуқ.

Бир бўса сўраб бўлди бало, ғавғога қолдим.
Бошимға келиб амма-хало, баҳона тасаддуқ.
Майдонға солиб, қилди сазо, бўлди тамошо,
Ўргала намоз бўлди қазо, сарсона тасаддуқ.

Олдига солиб қувди хотун, қилди бадарға.
Бўлди тўшагим энди бу тун, чойхона тасаддуқ.

Май ичма дебон, кодга қуйиб эрди табибим,
Расво айлади элға ёйиб, майхона ҳасаддуқ.

ФАСЛИ ИШҚ

Дил қафасда бастадур, бедаво дунёда ишқ,
Бил, садафда қатра дур, хушнаво шаббода ишқ.

Ул тахир майдир қадим, ҳолини айтмас надим,
Сүрғил ичган кимсадин, ғам ила ғамбода ишқ.

Ҳажр ўти ғаддор ғаним, тутди кўкни гулханим,
Алмисоқдин шу таним, бир умр савдода ишқ.

Фасли кўклам туғ бўлиб, қир-адирда чўғ униб,
Лолаву түғён тўлиб, унди ул сахрова ишқ.

Қадди сарви навниҳол, чехраси чақноқ ҳилол,
Ишваси оҳу мисол, ҳур малак сиймода ишқ.

Бир боқиб жонни ёқар, қўйнига ойни тақар,
Булбули куйлар саҳар, гул юзи раънода ишқ.

Ким худога бандадур, ишқ либоси тандадур.
Хоҳи кимхоб, жандадур, даҳр аро сажжода ишқ.

Севги шундай меваки, карвон ўтди, лемаки,
Гул ҳаёт бир кемаки, қўр олур ялдода ишқ.

Кўр, алаф кавшаб хўқиз, тан юқиб бўлмас тўқис.
Терт қориб, шулха егиз, пеш бўлур бардода ишқ.

Мирламас тизлою зар, англамас ўткинчи хар,
Юлдузингда бўлса гар, сарвари мирзода ишқ.

ЖУЛДУРВАҚОҒА

Мастона кўзим тушди эвоҳ қоши қарога,
Ғамзаси ила битта нигоҳ солди балоға.

Ман ўтли қарош уммонига ғарқ бўлақолдим,
Жонимни олиб домонига, солди тароға.

Васлида неча ахтари шаб ёндиш-у куйдим,
Ишқ пайконини дилга қадаб солди садоға.

Ит мунги ила телба-саёқ нолалар эттим,
Атоси чиқиб урди таёқ, солди жудоға.

Аноси боқиб бошдин-аёқ ҳолима кулди,
Берарға қизим деди у йўқ, жулдурвақоға.

Кошона қуриб, сўнг савтиға Нексия жуфтга,
Қолғони бадалдур завчиға, солғил ароға.

Аносин кўриб, қизини ол, деб эрди тўтам,
Барбод бўлди ишқ, ёй қадди-дол қолди модоға.

Кўнгил уйидин ўзга ватан, ўзга макон йўқ,
Кўнгил уйидек тилка бадан қолди гадоға.

СОМСАДИН

Мода бўлғон кўйнаклар кўтарилемуш тиззадин,
Адо бўлғон эркаклар ўлар бўлди иззадин.

Хўп кўпаймиш шарми йўқ, билолмассен гарми-йўқ,
Кўйлагининг ярми йўқ, юз қизармиш жиззадин.

Ажаб замонға қаранг, кўпчиган сонлар таранг,
Ёш яланг алант-жаланг, ним яланғоч жуссадин.

Қорин қолғон очилиб, ёки чиқсан шошилиб,
Бор буд-шуди чочилиб қолғон каби киссадин.

Улусда ор бўлмаса, шарму қарор бўлмаса,
Ошинг ҳалол бўлмаса, шулдир дарак гуссадин.

Эркаги хотинмижоз, хотинлар бўлди хўroz,
Гарданида тош-тароз, чиқмас садо кимсадин.

Байталлар гастарбайтал, эр уйда йигар чўтал,
Жонинг бўлса бир йўтал, бул беибо ғамзадин.

Бу дунё боғи майдон, шўр бошинг бўлсин омён.
Элда кўпаймиш шайтон, хулоса қил қиссадин,

Дедим Ҳижрат алҳазар, ён-гирдингта сол назар,
Ҳаромдин қилғил ҳазар, кечма арzon сомсадин.

ОЙПАРИ

Майи нобни нўш қилиб, тили бийрон ойпари,
Гап-гаштакни хуш қилиб, сурди даврон ойпари.

Эр уйда бола боқар, хотин ноғора қоқар,
Кўчада бола-бақар бўлди сарсон ойпари.

Маскоп, Бангкокк қолмади, қатнайвериб толмади,
Бандадин ўёлмади, ҳирсга қурбон ойпари.

Не сирни қилғум баён, ўзи шундоқ ҳам аён,
Икки елкада шайтон, кетар қаён ойпари.

Кўкрак-киндиқ яланғоч, ҳой мусулмон, кўрсанг қоч,
Турли рангда калта соч, қочди иймон ойпари .

Ёрнинг зулфи жамалак, эрнинг номи ҳезалак,
Бу қандай гап, ё фалак, ёнди осмон ойпари.

Даврада бермас гапни, чайпайди ўнгу чапни,
Тегирмон қилиб лабни, қилди достон ойпари.

Ҳасратда ўтар Ҳижрат, алантга олар ғафлат,
Бир кун келтирап кулфат ушбу ҳирмон ойпари.

БАРДАКИ

Англассанг эй бандаки, бешумор эл мардаки,
Занчалишдир гардаки, бир хилидур шартаки.

Феълини билмоқ эсанг, сал бериб кўргил пишанг,
Бўш-баёви галаки, дов-даёви ҳаппаки.

Шамғалат бўлса кўзинг, мирламас таппоң тузинг,
Мол топодур хуштаки, жим қоподур кўлпаки.

Хуш кўрур овозани, ланг қилтур дарвозани,
Сотса ширмой, чапчаки, кавшагони чалпаки.

Сал жиловни бўшласанг, бош эгиб хўш-хўшласанг,
Лоф уродур тентаки, чанг солодур гуппаки

Кўрсаки ҳоли ҳароб, лафзида бўлмас жавоб,
Бошга сигмай телпаки, рост бўлодур жуфтаки.

Бирда ёр ҳамду-сано, бирда бор жабру-жафо,
Бирда кўрсанг калтаки, бирда кўрсанг пистаки.

Ранг олур қўрга қараб, ожизу зўрга қараб,
Бирда бўлур луччаки, бирда себи жўпаки.

Макридин йўқдур нажот, шайтанат ичра ҳаёт,
Бир бўлур ғоз-ўрдаки, бир чироққа пилтаки.

Измиға тушсанг магар, сағринга солғай эгар,
Бошда турса сўтаки, дер анонгни гўдаки.

Олқишини шод билиб, тур ишини ёл билиб,
Ярми ургай чалаки, ярми қилғай калаки.

Одаму Ҳавво ила, Ҳижрато тавғиқ тила,
Бўлмасин қай диндаки, чиқди дунё бардаки.

БАЛОДУР

Олар эрсанг барор сўзни, ҳадни билмас нафс балодур,
Қай томонга бурма юзни, шайтон берғон дарс балодур.

Сўзингни елға совурма, ўзингни утда қовурма,
Чиранма, асло дов урма, нодон ила баҳс балодур.

Ёмонға ёндошиб юрма, май ичиб аржуманд қурма.
Оқибатинг бўлур турма, шерик бўлғон наҳс балодур.

Учрагонни ошна тутма. дардинг айтиб шафेъ кутма,
Яхши дўст чиқмайди гушна, сиринг билғон кас балодур.

Ботмағон ўпкадек қўпма, авомни шилталақ ўпма,
Мисқоли обрўни тўкмаз, эл кўзида масти балодур.

Майдагап, занчалиш бўлма, ҳиринглаб ҳар сўзға кулма,
Бетингдан чимматинг юлма, ғайри чиққан сас балодур.

Ўзингни хору хас билғил, тирикликини қафас билғил,
Ҳаётинг бир нафас билғил, ҳаром бўлса, хас балодур.

Ҳалол эрса бурда қонинг, шул мартаба эрур шонинг,
Ҳижрат омон бўлтур жонинг, тилини қулғ қил, бас, балодур.

ЧИРОҚ

Кунда бир ўчди чироқ, тунда бир ўчди чироқ.
Шамчироқ бўлди қароқ, кимга қиёсак арз-сўроқ.

Куйди уйда кирмошин, кирмошин бўлди хотин,
Қолмади асбоб бутун, барчаси тилка-қуроқ.

Дилбузар дилни бузар, ҳар куни уста тузар,
Вовайло қилди гузар, касда қолмади мароқ.

Жамланиб уч-тўрт калон, урди ўзни тўрт томон,
Айди бир ширинзабон, топшириқ шундоқ бироқ.

Бўлди тоқатлар таранг, ёқ-ўчир қилди гарант,
Ер ҳамин саҳту заранг, бўлди осмон куп йироқ.

Ҳижрато чекма фироқ, қай бобонг ёқсан чироқ,
Шайлагил лампачироқ, айла шагамни яроқ.

Замзама бўлма жўра, чечадин аҳвол сўра,
Бунча ғавғодин кўра, бир таҳорат яхшироқ.

ИСТАЮР

Колмади рўзимда ранж, сийрат сувайдо истаюր,
Ман Юсуф, розимда авж, кўнгил Зулайҳо истаюр.

Ваҳ ажиб, баҳри муҳит гардунда ғавғо қўзғатур,
Турланиб сабри худуд мажнунда савдо истаюр.

Найсони май ноби хуш, айлади ҳар сабза нўш,
Шамс уриб чимматга тўш, сайронда танҳо истаюр.

Кўк чақини найзадор, пайконида йўқ қарор,
Чор тарафда авж шарор, рақсиға шайдо истаюр.

Тўлғанур тупроқда жон, уйғонур сабру ниҳон,
Найчалар ҳар битта дон, хилқатда пайдо истаюр.

Ўрганиб еру само, бўлди олам хушҳаво,
Дилға солди ишқ наво, сухбати жоно истаюр.

Гулға тўлди Карбало, кечди юздин каҳрабо,
Эмди Мажнун марҳабо, васлиға Лайло истаюр.

Фасли кўкламда хиром, нозидин Ҳижрат ғулом,
Жуфтгали оташ калом, бир малаксиймо истаюр.

СОФИНДУК

Эй, мўрча-миён, қоши-камон сизни соғиндуқ,
Вей, гунча даҳон, нозли забон қизни соғиндуқ.

Шўхи ғуломи матлубида савдоға чиқсак,
Сабзай кўклам хайлида қирмизни соғиндуқ.

Дилдора боқуб лахча шарор ичра бу жоним,
Фаттон нигоҳи пайкону ёлғизни соғиндуқ.

Иффорин олиб този сифат қилдуқ вовайло,
Настарину хуш бўйи ул ялпизни соғиндуқ.

Чақмоқ мисоли тилкалади ғамза ғамимни,
Кел-кел боғима, булбулу гул юзни соғиндуқ.

Муғбачаи бодафурӯш Пашоға ҳабар қил,
Хуш улфат ила шаққари жиз-бизни соғиндуқ.

Савти Ғулом, Яҳё, Наби, Чоршамни йиғиб кел,
Ибоди жамол илҳоми тамизни соғиндуқ.

Ҳижратни тамом динға букиб шаҳри зимистон,
Султон базмида дийдори Ҳурмузни соғиндуқ.

ТАБИАТНИНГ

Бўлди каждуми ақраб авзони табиатнинг.
Ялдоға шикор ўлди аркони табиатнинг.

Шамъи Баҳром гардиши юз қаро бўлмиш не тонг,
Чиллаи чироқ янглиғ хирмони табиатнинг.

Бозиллаб танча-танур, гирдига маҳтал мардум,
Самум ҳукмига тушмиш кўргони табиатнинг.

Ҳут ила ҳойи-хутти тақвоси бўлди бардор,
Қачон киргувси эмди дармони табиатнинг.

Ишқни соғунтик эй ёр, дил губордин кемтик, ёр,
Кўкламдин дарак олий фармони табиатнинг.

Ўртаниб дашту дала, исёnda ўтov-оғоч,
Саҳрони тутғай эмди ризвони табиатнинг.

Нозли ҳимоси ҳай-ҳай, жондин ўтуб билинди.
Ҳар дилда оташ лавҳи жонони табиатнинг.

Ҳижрат ғимиллаб қолди, чашми чаросни кўруб,
Ишқига бўлди доя, юрмони табиатнинг.

ПАРДАСИДУРМИЗ

Яронлар бул фаносинда гуноҳкор бандасидурмиз,
Икки чўбин аросинда Яратган хандасидурмиз.

Расул ботини покланди ҳукм бирлан қаролиқдин,
Дил қаролиқ куфри ботин, сийрати жандасидурмиз.

Ҳирсу нафсга кўнгил боғлаб, охиратингни куйдирма,
Макри шайтонни ўқиттан хиёнат рандасидурмиз.

Тилида такбири инсоф, дилида тадбили зардоб.
Тазарру қилмаган нодон авомнинг гандасидурмиз.

Танинг туфроққа етмасдин, тийил бад кирдикорлардин,
Равзадин мосуво бўлган аврати мандасидурмиз.

Ўтур бир-бир ямон-яхши, омонат ҳар сўзинг нақши,
Изингдин ишқи жом қолсин, биз анинг саждасидурмиз.

Тириклик бухрони ичра қилма шарманда Ҳижратни,
Шу гардун узра тортилган адолат пардасидурмиз.

МАЖОРА

Одамота авлодида азму аввора,
Наслу насаб таълифида қўпди мажора.

Бири деди, хўжасифат асли уругим,
Барисига шоҳид ўтар кўхна гаввора.

Айди бири халиуллоҳ пушти-падарзод,
Бошқасини реши етди биби Ҳажора.

Бири деди, чаро маро бовар накарди?
Фотимиyllар авлодидин бизни шажора.

Даги бирин чоғи келур наби-саидга,
Бири эшон ёрлиғида қоқар нафора.

Ён-верима боқсам магар кишвар, парихон,
Бари Ҳудо хеши сифат қиласа наззора.

Ҳижрат деди, аҳли тамиз бори шу ўлса,
Шаксиз анинг насли етар ҳадди ҳимора.

МАЛИКАИ БУДУР

Ўн саккиз минг олам эро қатрадурсан, фикр қил.
Бул тириклик манзилинда бандадурсан, шукур қил.

Махлуқотлар ичра берди, зқлу идрок, шамойил,
Забонингға калом жуфтлаб, зиё берди зуҳур қил.

Магарким умринг ўлчовда, ҳар нафасни ҳикмат бил,
Яхшилик рушдига шайлан, ултур, югур-югур қил.

Каъбани қурмоқдан афзал, бир синиқ дил малҳами,
Давлатинг қўргони дилга хайру эҳсон муҳр қил.

Тенг ўлур шоҳ ила дарвиш жисм ўлуб туфроқаро,
Шоҳ эсанг, дарвишни ёқла, кибру шаррни қуфр қил.

Рўзи маҳшар фасли етса, сану манлин не қолур,
Марҳаматни улуғ тутғил, ҳимматсизни чукур қил.

Ҳижрат, умр ўткинчи деб, кампирингни унудинг,
Эмди аниңг кўнглун олиб, маликаи Будур қил!

АЖАБ ДУНЕ

Амри маъруф салогинда бобо Соқий авут айди,
Бу гардунни ҳарки банда қаричи бирла ўлчайди.

Бировни ўлчови мисқол, бировни ўлчови тусмол,
Бирови ақчаға банди, бириси мартаба сайди.

Бири хотунға дўст бўлгай, бири иймонға суст бўлгай,
Бири оқил, бири овсар, бири шоҳ, бошқаси дайди.

Одам бор, амлоки эҳсон, одам бор лаънаи шайтон,
Бирор рушди савоб бирла, бирини тош босур айби.

Бани одам турқи шакли, бири бадбаҳт, бири баҳтили,
Суриштиранг, жудо ақли, Яратғанинг шудир ғайби.

Бирини суҳбати жонон, бирини тийнати зиндан,
Жамийки ҳикмату иллат, азал дафтарида қайди.

Сани ўлчовға қўйлонинг замон қаричига сиғмас,
Ажаб дунёсидин Ҳижрат таҳорат бирла қўл чайди.

ҚОЛДИМУ?

Бобур разалига муҳаммас

Эй фалак, маҳринг аро радди жудоси қолдиму,
Мен киби ғам чекмаган қадди адоси қолдиму,
Дархонамни тепмаган дайди гадоси қолдиму,
Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?!
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?!

Лавхул ул-маҳфуз ила амрида кўргай Яздан иш,
Измидин айро эмас гардуни пода ҳар қарич,
Хижрондин беҳроқ кўрмадум толеъимда ўзгариш.
Мени хор эттию қилди муддайға парвариш,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдиму?!

Сиймтан маҳдуллиғидин бўлди ашким кўзда чош,
Чехран олуда эрди, айлади афшони фош,
Бул таним ўтру азобда устухонда талош,
Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмок учун меҳру вафоси қолдиму?!

Гиряи нолондамен, сўрма рўзумни эй рафиқ,
Кимсани шод кўрмадим, тингла сўзумни эй рафиқ,
Каъбаи кавсар томон ўнгла юзимни эй рафиқ,
Ошик ўлғач, кўрдум ўзумни ўзумга, эй рафиқ:
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму?!

Меҳнату зорлиқ ичинда ўтти умрим чора ҳайф,
Ёздигим хукми азал бўлмиш тамоми ҳарбу зарб,
Таълифин бермас парихон, на касе пир илми-ғайб.
Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб :
Тенгри учун де, оламнинг сафоси қолдиму!

ЯХШИЛИҚ

Бобур газалига мухаммас

Қилма касдин таъмаким, йўқтүр гумондин яхшилиқ,
Пайкони жонға физо, бори камондин яхшилиқ,
Жисминга келғай малол руҳи-равондин яхшилиқ,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиқ!

Ким фаноға бастадур, келмади ҳаргиз шафиқ,
Ул маҳак бандига тушғач, қаҳрабо бўлди ҳақиқ,
Одам аҳли алмисоқдин шул жазога мустаҳиқ,

Бу замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиқ.

Сағринга тўкум урулмиш, қўй они, сан тўн дема,
Сийрати ғаддор бозига бош уруб, ҳеч кўн дема,
Аҳли рой сабри сукун маҳбули эрса жўн дема,
Дилраболардан ямонлик келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиқ.

Ҳолинга зулм қилғали қалби сўқирдин басру кўп,
Лангари Хуршед пироҳан чоки фитна ўтру кўп,
Нотавон рафтори каж, бад савдосида касру кўп,
Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлик асрү кўп,
Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ямондин яхшилиқ.

Гардуни давворада кўрдум одамдин ваҳши йўқ,
Олчогу сотқин риёлиқ зулматидин фаҳши йўқ,
Такбирида тавба йўқ, Яздан сужуди нақши йўқ,
Бори элга яхшилиқ қылғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиқ.

Судрама тани маконда хастадил оғур киби,
Ўртами жонни ниҳонда мақтули чоғур киби,
Хушкалом аҳлига дўст бўл ҳазрати Жобур киби,
Яхшилик аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ.

ТУТАЙ

Навоий ғазалига мухаммас

Авроқи арзға боқиб, авзои гардундин ўтай,
Булажаб қисмат майи, бардорда ҳуш-бехуш кетай,
Сандувочтек нолаву авранг азобини ютай,
Эй кўнгул келким, бало базмида жоми ғам тутай,
Ўз қатиқ ҳолимга ўлмастин бурун мотам тутай

Кўрким, ишқ заҳмидин ағёре йўқ олам аро,
Кишвари фонийда мусаллам ўтругудин тан яро,

Мен Адан даштини манзил айласам, сўрма чаро,
Йиғлабон бошимға оҳим дудидин чирмаб қаро,
Мотамим эл сўнгра тутғунча ўзум бу дам тутай.

Афсари мардум тутуб қўйнимда сақлабмен афъо,
Шиддатидин танг келиб афзун бўлди пешу қафо,
Рўзгоримда қолмади на хуш замон, на-да сафо,
Оlam аҳлиға неча қилдим вафо, кўрдум жафо,
Эй кўнгул, кел-келки, тарки жумлаи олам тутай.

Магарким роҳи по узра пироҳан жандай жулдур,
Умидим арқоги Шамса, оёқим остида дулдул,
Фунча бўсаға лаб тутмас, нолакор бўлмаса булбул,
Эмдиким, ишрат суруридин очилманг, эй кўнгул,
Навҳа оҳангинг тузуб, бир дам сени хуррам тутай.

Токай бўй кўрсатмағай, ҳақнинг сирожи, соқиё,
Илки-по фул айлади чархни тарожи, соқиё,
Телбани манзум қилур дилни хирожи соқиё,
Мастлиғидин ўзга йўқ дардим иложи, соқиё,
Май кетурким, ҳам ичай бир лаҳза они, ҳам тутай.

Фитнадин кисвар тўқурлар доги юз аҳволима,
Дуди кўкка ўрлағай сўзонда сўз аҳволима,
Бир юпунчни топмадим парча бўз аҳволима,
Қўйғил, эй носиҳки, муг дайрида ўз аҳволима,
Маст лояъқил ёқам йиртиб, суруди ғам тутай.

Фикрати мўру малаҳ онгиға дур бермиш худо,
Бул чаманда жавр юки саддида гул термиш адo,
Ризқи гар шоҳонадур, нон тилаб ермиш гадо,
Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлиға йўқ эрмиш вафо,
Эй Навоий, мен вафо сарриштасин маҳкам тутай.

МУШАРРАФ КУН

Жомий ғазалига мухаммас

Тавонат деҳ, жудо макун ки лафзи меҳрибонамро,
З-ин таври инкишоф кун жаҳди роҳи равонамро,

Шарори оташи сўзон расид он ки тавонамро,
Худовандо балутфи хеш гўё кун забонамро,
Ба дидорат мушарраф кун ду чашми хунфишонамро.

Сари по дарбадар гардаам, нахости чаро хаёлам,
Бэмисли Салмони Форси аз ишқи ту бемажолам,
Дашти Аданро саргашта басиру Мажнун мисолам
Маро аз завқи худ монанди Адҳам кун дар ин олам,
Бисўз аз ишқи худ пайваста мағзи устухонамро.

Ваҳдати жовидонро ғайри розе намебинам,
Дигар аз хулуви Яздон ғайри созе намебинам,
Хирқаи жуббапўш бегаз дигар касе намебинам
Ба ғайри маъсият дар номаам чизо намебинам,
Ба ласти нафси аммора мадех ақли инонамро.

Мафар хоҳи, залили шав, бибин аз ў қарам ояд,
Зироат мунсариф в-аз ҳосили Ҳақ дарав ояд,
Оқибат кун ложарам дил ба ҳалқи фас алам ояд
Ба вақти жон супурдан деви малъун бар сарам ояд,
Зи чангি он лаъин ё раб нигаҳ дори имонамро.

Надонам чан фасл бигзашт, ҳамоне ҳастай хорам,
Вужудам бастай имкон, аз дигар нест чизе борам,
Таважжуҳи дидорат ту умедворам, умед ёрам
Агар чанде гуноҳкорам умед аз раҳматат дорам,
Ба ҳаққи сайидул кавнайн ато кун он жаҳонамро.

Бурди оби баҳри ажуз тамоми иттилоъи буд,
Бар сари кӯче ниҳода чор мурғаки Ҳалили шуд,
Фигонеки, в-аз оҳанг аз Кўҳиқоф буромад дуд,
Ба ҳаққи зоти поки худ, ба ҳаққи ҳашт сифоти худ,
Даруни жаннатул маъво мұяссар кун маконамро.

Хирқа аз касе пўшидан, Ҳижрат нури хирад дорам,
Жаҳонро пойхоки кардаам, базми сангин адаб дорам,
Харжи роҳ нашуда гаштаам, умеди ҳаққи Рабб дорам
Манам бечораи Жомий, умеди мағфират дорам.
Нитоҳ дор аз сақар ё Раб, ту жисми нотавонамро.

ТУШ

Юзинг сий-у, дудоқ ғунча, сочинг занжир,
Қадди наврастангда ифор сочар жамбил.

Имо қилдинг, ҳимо қилдинг, адо қилдинг,
Ўзим ҳайрон, кўзим гирён, юрак қандил.

Уруш кўрғон суворийдек жазм қилдим.
Манам силсилаи даврон, бироқ банд дил.

Булбулингман, санга банди бўлдим, э гул,
Оёқ - бошдин висолингга жами тадбил.

Валек гулмиҳда банддурман, тушовдурман,
Ажаб ишқнинг пайровилин вужуд тандир.

Бўлурми шунчалар қаттол, қаро бул туш,
Қаро терға тузиубдирман зилу-замбил.

Калимамни бадастурлаб, хобни қувсам,
Боши болишимда хушқол ётар кампир.

СҮҚҚАБОШ

Сўққабош юргон эрдим, фармон бўлди ўзгача,
Тул бўлса ҳам тўй қилиб, уйланаман кузгача.

Тўтам топғон фаришта ду шавҳар кўрғон эрмиш,
Оре, ору ҳаёси етар эрмиш қизгача.

Топэр-тутарға гап йўқ, хат саводи бадастур,
Изн берсанг алифдин санар эрмиш юзгача.

Анга шавҳари мўмин, манға байтали чўбин,
Бўлса кифоят эрмиш, ўрин қолмас сўзгача.

Тўйдан олдин афтини кўрдиму ақлим озди,
Қаҳратон босиб кирди, юрак тушди музгача.

Онинг савтиға асли харидор эрмас эрдим,
Дордан қочғон ўғридай титроқ солди тизгача.

Ҳижрат хўрлиқдин қочиб Рўсиёға от солди,
Токи столмай қолсун босиб кетғон изгача.

БАЙТАЛ

Наззора қылтур хурилиқо юzlари ял-ял,
Лаби гилос, кўзи чарос ёлқини машъал.

Бир ғамза усул қилғонида сўз қота қолдим,
Тўнкаға баҳо берғон каби эснади сал-пал.

Кўксимда қўпуб ғавғо, саёқ итча жунунлиғ,
Изига тушиб йўрғаладим солмази пайсал.

Ковуши хиром этғонида зарби юракда,
Чиқмоқ истаюргардишидин боқса у ҳар гал.

Бир жойға етуб тилпонини банди гўш этди,
Кўзимни қилиб олма-кесак айлади маҳтал.

Рағбат қилодур манға дебон йўлиға чиқсанам,
Кўзида ажал чақмоғила тўсди бир анбал.

Қопқонға хуруж қилғонини билди камина,
Авровға тушиб, қоматидин тиклади ҳайкал.

Барзанги келиб товонини кунфуга тутди.
Тумшук домига муштумини айлади сайқал.

Гирдимда қўпид бир нечаси картмонни шилди,
Алқисса вале итмолига етди бу жанжал.

Бир жойға етиб ёши расо бўлмади Ҳижрат
Картмонға қўшиб носқадини хиртлади байтал.

ТАЖАНГЛАБ

Ҳаддин кўпаймуш элда юрғон турфа саганглаб,
Ўсал қилмуш авомни қорин-қиндик яланглаб.

Бул жонивор байталмон, қай охурда боқилғон,
Шайтонни ҳам танг қилди орқа-олди таранглаб.

Ҳар томда бир ликопча, комиша олур дажжол,
Ёшу пирни жимонға банд қилодур хаданглаб.

Қўча-кўйда аҳли шарр изо чекар шармдан,
Текин томоша қўпди, кўзлар аланг-жаланглаб.

Қизлар интўрқовоқлаб маҳрам излар жалондин.
Завжалар тилпон қоқур олмон, курё, паранглаб.

Давр жабридин лолу гунг, раммолчи ҳам фироқда,
Осмон туби тубсиз чоҳ, замин борур заранглаб.

Таҳоратни бузмай, деб хонанишиндур Ҳижрат,
Бўза ичиб мушгини газак қилди тажанглаб.

БИТҚАЗИБ

Замона шундоқ бўлди, ҳеч ким боқмас ётқазиб,
Русиёми Амриқо, тутмайди нон ўтқазиб.

Қайға борсанг бир хилда ҳўроz макён излайди,
Санға ҳўроzқандини бирор қўймай тутқазиб.

Неча-неча санамлар солур ўзни бозорға,
Энагуллар кун кўрар баданларни сотқазиб.

Олий кошоналарға қўпам сукланиб боқма.
Мардикор олур ақча тизни лойға ботқазиб.

Бир ёлғонда қирқ ёлғон важ қилмасанг мижозға,
Бэрбод бўлур тиҷорат бор-будингни ютқазиб.

Ўғри, муртад бўлмағил, замонға боқ, ишни тут,
Пешоб қилсанг масжидга ҳеч ким олмас кутқазиб

Авжинг борида Ҳижрат Тошканд сори азм қил,
Чала қолғон уйингни кимса бермас битқазиб.

СУЛТОНИМИЗ

Пешласак зоту насаб, кўҳинур вулқонимиз,
Аслимиз давлат талаб қашмири султонимиз.

Нақлимиз шамшири тиф, заҳридин кимса ҳароб,
Ҳар нафасда минг қалом домани ултонимиз.

Бизға мойил жумта зот кўшкимиз арконида,
Бизға дўст бўлғон ҳабиб меҳриға жазмонимиз.

Пул сирот-ул мустақим манзили биздан ўтур,
Кимға дўзах оташи, кимға ҳур - филмонимиз.

Қўл етурсак қай томон, кўкка қадар илкимиз,
Шайтонға ўқир такбир ердаги фармонимиз.

Аҳли химор удуми бадастури сонийдур,
Не-не ақли пешларни аврагай чилтонимиз.

Лавҳул маҳфузни ўқуб, таворихни тафтиш қил,
Ҳом ибн Нуҳ наслидин тарқаган мўлтонимиз.

ҒАРОВ

Битмаган маърака йўқ топсанг қалов,
Тафти меҳринг ўтиға пишғай палов.

Дўсту ёронлараро мардлик улуг.
Шаҳди йўқ дил гирдини босғай қиров.

Ҳосилинг мақсудига кутсанг кўмак,
Дардинга малҳам бўлолмас ас бирав.

Гарчи орзу кўшкida авжинг барор,
Вақт юки бўшинг эгиб солғай буров.

Сағринга ургай эгар ўжар ҳаёт,
Сал қадам қалтис эса торғай жилов.

Ҳар нафас ҳикматини ўлчовда бор.
Ҳар ишинг ажри учун бўлгай сўров.

Бандани қўйма маломат доғига
Ҳар киши жабри учун бордир тўлов.

Бошинга Ҳижрат шўриш солса рақиб,
Садрини суннат билу айла ғаров.

ЗИНДАГА

Алмиқсадан то абад бўлмас ишониб бандага.
Қанча мард андин сабаб кўйди бошини кундага.

Келмаса тэъбига мос, ўз хукмига тобеъ қилур,
Мўрчадай ғирдинг олиб солгай танингни рандага.

Минг тазарру зимнида макру ҳамоқат устивор.
Зулмидан озурдасан юрсанг ўралиб жандага

Сал тиращсанг бошинга тўфони Нуҳни ёғдирур,
Чорасиз қолганда баъд, келгай мақоми саждага

Ўз талаби жаҳдида шайтон ила улфат бўлур.
Ширк илә мушрик ўлиб, иймонини сотгай муждага

Лафзи йўқ, рафтори йўқ, бозор бозиргони мисол,
Ҳурмалак мусичадай ўзини чоғлар соддага.

Илму эрк аҳли мудом чеккай жаҳолат жабрини,
Мушкулинг рӯшнолиги Ҳижрат садоға зиндага.

ҚУЁН БЎЛГОН

Бул газитда ишлагоннинг азал ҳукми аён бўлғон,
Ё отилғон, ё сотилғон, ёки умри поён бўлғон.

Ўрис тўра лагат қилғон, ғарибларға мадад қилғон,
Бу шўришлар шилта тортиб, оқ пошишоға баён бўлғон.

Авом элға солиб ҳайрат, жадидларда қўпди ғайрат.
Даги миллат орзусинда кўрки мулки Турон бўлғон.

Ўтди фурсат жарангоси, битди куллик ибтидоси,
Эркни қутлаб нур-зиёси, умри пойдор, шоён бўлғон.

Вале айб этмангиз дўстлар, тўқисда бир қусур бўлса,
Анинг гирдинда кўп доно, даги уч-тўрт пиён бўлғон.

Үён бўлғон, буён бўлғон, фойда бўлғон, зиён бўлғон,
Бироқ доим пайин қирқиб, чақурға бир чаён бўлғон.

Даги қал бошга келмушки, мағал бошида ким бўлса?
Балки, жаъми шўришларға сабаб мўрча миён бўлғон.

Хулоса шул: бу амалдин қутулғонға сўйиб жонлиқ,
Ўлиб-нетмай омон қолғон Ҳижрат қочиб қуён бўлғон.

ЎТДАН ҚЎЙМА

Ҳамал тафтини қўмсаб, ялдони ҳутдан қўйма,
Гуноҳ-савобни ўлчаб, Жаброни чўтдан қўйма.

Бомдод, шомни эш қилиб, тилни ғулга хеш қилиб,
Муслимликни пеш қилиб, насрони бутдан қўйма.

Иймон қўнгил кўргони, олчоқ замон кайвони,
Бўлма кибр қурбони, чехрангни қутдан қўйма.

Обид яралди шайтон, Одамга солди пайкон,
Зинога тўлди аркон, тўфонни Нуҳдан қўйма.

Алмисоқ дунё соқий, бўлмагай умр боқий,
Хоҳ кимхоб, хоҳ жанда кий, наслингни юртдан қўйма.

Ҳижрат айтмас билмаса, қул ризқлидир ўлмаса.
Минишни эплолмасанг, эшишакни ўтдан қўйма.

ҲАЁТ – ҲИКМАТ

Ҳаёт – ҳикмат, ҳар қадамни ташла англаб,
Алдов ила ўз умрингни қўйма танглаб.

Ҳақ сўзингни хиёнатга раво қилма,
Алал-охир. санга ажрин берар жамлаб.

Бир фаслдир бошинг узра қўёш тафти,
Тадорик кўр, ёзла қишига ўтин фамлаб.

Эсинг борда этакни йиғ, расолиқда,
Эрга бир кун доғда юрмә, кўзни намлаб.

Акастроқ юр, ғайри ахлоқ, шитобравдин,
Дунё дажокол доми янглиғ ютар ямлаб.

Тарозуга посанги бўл, тошни пешла,
Зўр қувса қоч, ёв қочса қув, йўлни чанглаб.

Деди Ҳижрат, қилма нолиш толеъингдин,
Ўзга кампир санга бермас чойни дамлаб.

ЧИРМАНДА КЎП

Тўй бошласанг, базмга талабгор чирманда кўп,
Ҳосилинг баравж бўлса, ҳаридор хирмонда кўп.

Яратғон ёрлақаса, бошингга қўнгай ҳумо,
Бу дунда лошни судраб юргувчи шўрмонда кўп.

Моли мардумхўр бўлма, маломат арконида,
Ҳаққи ҳалолинг авло билгувчи давронда кўп.

Шикоринг жайрон бўлса, Фиротдек тулпор танла,
Ўлакса гўшт исини олгувчи ўрмонда кўп.

Сўзни сукутга еткур, мисқоли тиллога тенг,
Ахволидан бехабар кулгувчи шарманда кўп.

Кўнгил гаштини мудом чароғи Осиё қил,
Хушкалом улфату ёр, ой юзи ширмонда кўп.

Иting мижози, Ҳижрат, ўзингга аён асли,
Бўзага хумор бўлсанг, ақчага зормонда кўп.

БОРМАГОН ЯХШИ

Айтилмағон жойларға симсиб бормағон яхши,
Дуч келғон дардисарға дардни ёрмағон яхши.

Ҳурматинг бисёр жойда тавозеъни баланд қил.
Қадринг бўлмағон жойда ётиб-турмағон яхши.

Яхши қўшни эл бўлур, жонга оро ҳар дами,
Ҳамсоянг баттол бўлса, кулба қурмағон яхши.

Ўлакса излар қузғун, бургутга тенг бўлолмас.
Тулки, қашқирлар бирла сайдга юрмағон яхши.

Ҳар усулға йўргалаб калтак егандан кўра,
Уч-тўрт улфат жам бўлиб, қозон кавлағон яхши.

Гирдингда олиб давра, итлар ҳуриб турғонда,
Ҳолинг танг бўлса магар, бирға ҳовлағон яхши.

Ҳижрато, дарвиш бўлсанг, кимни санға иши бор,
Бир парини ром қилиб, кўнгил овлағон яхши.

ЕТИШМАЙДИ

Елкамизда ҳадди лаврон, бизга лаҳза етишмайди,
Қаршимизда боғи ризвон, вале, пайса етишмайди.

Ороланур субҳи жонон, қуёш кўкда урар хандон,
Ўтиб борар умр чандон, шамъи ғамза етишмайди
Авжиладур гапу гаштак, пойимизда боғу даштак,
Хуш бўлишга дағи гартақ васли равза етишмайди.

Баҳор қайтиб кузак бўлди, асо қўлга безак бўлди,
Насимлар елвизак бўлди, боди сабза етишмайди.

Қайда энди алвон гилам, ҳимоланган нозли санам,
Ҳазон фасли яшил олам, гиёҳ-майса етишмайди.

Ҳижрат, ҳужранг равот бўлди, рақибиңт дон Кихот бўлди,
Ортингдан сот-ҳа сот бўлди, санга найза етишмайди.

НИМА ЁЗАР?

Қўй терида бир семириб, неча озар,
Азал ҳукми тақдирингга нима ёзар?

Бўлар элнинг болалари дардош бўлар,
Бир-бирига елка тутиб, кенгаш тузар.

Бўлмас элнинг болалари бебош бўлар,
Бир-бирига тараф тортиб, юргни бузар.

Қўй семирса осилғайдур оёқиндин,
Кул семирса дуч қелганни шохлаб сузар.

Тўралари таъма билан тўр солади,
Аҳли авом қайга борса танга чўзар.

Товламачи товлаб олар, юлғич юлиб.
Токи рўзи маҳшаргача қарзни узар.

На молинг, на мартабанг бор, магар Ҳижрат,
Вале, ҳар дам тетранг узра ташла назар.

Узокроқ юр бу қинтоблар шўришидан,
Яқинлашсанг, ўлмасингдан даҳма қазар.

ДАЬВО БЎЛАКЧА

Коши қаро, қадли бало, даъво бўлакча,
Ўзи кату таъби боло, ғавғо бўлакча.

Қайга борса гўддаяди ҳайкали мумтоз,
Тўтимижоз савту сухан маъно бўлакча.

Атрофида лайчалари - шотири ботир.
Сув сепади, гул экади, раъно бўлакча.

Қилки фикр, тинглар они тўда гўсола,
Гўшидаги лодону фўр, доно бўлакча.

Жазавада ўлдиради турқи буқани,
Хукми магар етса бўлур жавзо бўлакча.

Эл кўзича лоф уради ғамхори бардор,
Эл кўзидан шамғалати савдо бўлакча.

Ҳижрат деди сув бошида токай бу ҳаннос,
Фитна қўпид бир кун бўлур ғасво бўлакча.

ЛАГАНБАРДОР

Нечук бунча бу шўр мардум ўч паҳтага,
Чунки бари чиқмоқ истар сартахтага.

Бандға тортиб ўнгу сўлни тўғон қилур,
Бир қараашда ўхшаб кетар иш пухтага.

Ширин авраб олар сирни, топар қирни,
Сўнгра сени алдаб кетар уч қартага.

Гап юргизар, гийбат қилар, тухмат қилар.
Тумшуғингни келтиради дуч нўхтага.

Қўндоғида танглайига қаро тушган,
Эмди тинмас тортилгунча чортахтага.

Бу каждумлар токайгача солур ғавғо,
Томчи тошни ўяр тушса бир нуктага.

Ҳижрат, носни зое қилма, бетига бос,
Сўнг пешоб қил, бу ҳам камдир гўрсўхтага.

ВАҚТИНЧАЛИК

Кўпириб ҳов-ҳовлағон авутинг вақтинчалик,
Сиртита жез қоплағон совутинг вақтинчалик.

Неки бор. ўткинчидир, савдои давворада,
Елкангда ялтиллағон мовутинг вақтинчалик.

Арконинг олиймақом, пойингда тўртта ғулом,
Кўҳинурға менгзагон ёқутинг вақтинчалик.

Ҳаромдин қилмай ҳазар, ютғоним авло дединг,
Қаҳратонда гуллағон шотутинг вақтинчалик.

Ҳаддинги такрори йўқ, ҳукминга ой мунтазир.
Ҳирс ила дағи солғон ҷовутинг вақтинчалик.

Очиқ кетғон чашмни тўлдирур бир кафт тупроқ.
Елиб-йўртиб топғонинг, бор-будини вақтинчалик.

Оре, гуноқкор Ҳижрат, ўзинг тавғиқ ато эт,
Сўнгги йўлға кетурда тобутинг вақтинчалик.

ИЧБУРМАСИ

Қилди ўсал каппалаган ичсурмаси,
Исканжага олди тамом ичбурмаси.

Моки бўлдим икки ҳужра аросинда,
Холохона бўлди фақир тоштурмаси.

Наша урдим, рўза тутдим, давоси йўқ,
Етмай қолди "Капитал"нинг устқуртмаси.

Сўнг эсладим: қайдан қўпди балойи жон,
Ични бузган балки бозор қовурмаси.

Озиб-тўздим ҳафта ичра ҳинду чолдек,
Бўртиб қолли еканг қўқир ковурғаси.

Нўш қилувдик омухтада ҳар сабигидин,
Балки дилга ботмағондур шовурмаси.

Текин таом тешиб чиқар, аё Ҳижрат,
Нафсинг тийиб, табибга бор кеч бўлмаси.

ИШКАЛ

Қичимаси бошдин-товоң қилди ўсал,
Фақир мулзам, қамровига олди касал.

Бошдин ўтғон билур бу дард нелигини,
Моматалоқ тери туси бўлди дағал.

Қашламадан дўмбирадай шишиди бадан,
Тўшак ботар босилғондай тўрт қоп шағал.

Бу ҳолима дўсту ағёр кулар бўлди,
Falat дардға даво истаб қилдим жадал.

Садоқаға улоқни хомталаш қилдим,
Ҳасан табиб жонга оро кирди сағал.

Қай гуноҳим мани бундок қўйға солди,
Чишла тортиб ўлтиргоним бўлди бадал.

Не тановул қилди Ҳижрат, бунча ишкал,
Аламини майдин олиб битди ғазал.

УЙ МОЖАРОСИ

Отам замон бир кулба қурғон эдим амаллаб,
Жами ёру биродар берғон эди тамаллаб.

Пахса уриб, лой тепиб, озиб-тўздим тозидай,
Чала қолғон деворни суваб чиқдим жадаллаб.

Олис сафар чогинда уйни қўйдим қаровға.
Мулдат ўтиб маконға қайтдим анча ҳаяллаб.

Дарвозадин қўймади банд айлағон бир байтал,
Гаврон олиб қувлади бақир-чақир, мағаллаб.

Занон деди, бу қулба харид бўлғон маҳримға.
Ақча тўлаб муздини манға берғон қамаллаб.

Дуруқ гапзада қилма, десам ёлни ётқазиб,
Фақирни мулзам қилиб, қағоз ёзди ғарамлаб.

Кўклам ўтди, қавс ўтди, саёқ итдек кўним йўқ.
Кулбани можароси кетди алламаҳаллаб.

Ҳижрат, уйинг важхидин умринг ўтур кўнокда,
Уриб турғил бўзадин, тагин қолма шамоллаб.

ШИЙПОН

Аё дўстлар, туарар манзил бўлди шийпон,
Гир тарафи ҳувиллағон очиқ майдон.

Унда яшар тўртта мардак, икки кўппак.
Фақирда ҳам якка ҳужра, даги айвон.

Қантариғлиқ туарар бунда турфа ашё,
Икки тулпор, аъроба-ю қўшиша файтон.

Бардо қўшиб терт қоради нўйой мардак,
Бўрдокига етилади тўртта ҳайвон.

На юришда, на туришда ҳаловат бор,
Саҳармардан чиқиб қайтфум қилиб хуфтон.

Токай давом этгай экан бу сарсонлиқ,
Жонға тегмиш кунда шунда бўлиш меҳмон.

Ҳижрат, сабр адогинда ёргалиқ бор,
Бир кун келиб, кулбангни тарқ этар шайтон.

БОЗИНГГА БОЗ

Билмадимки, қай хунасо қилди зугум,
Ман кутмағон пистирмадин бўлди хужум.

Ойни нисби қаро бўлса, нисби ёрқин,
Демуш таскин бериб дилға аҳли нужум.

Исковучдек тафтиш этди мани ағёр,
Лойға қормоқ жаҳди бўлди икки юзум.

Жаъми тадбил бўлур воқеъ ҳаққу ҳолдин,
Феъли сакбин зери подин бўлди ружум.

Фалокатдин холи бўлғон фақир хушҳол,
Бўй берматон ишкомида қолди узум.

Мандан не важ топди тўнгбош тўнни тинтиб,
Бир белбоққа жо бўлодир бору йўғум.

Ҳижрат Або Муслим киби солди сурон,
Бозингга боз, гуррагинға дебдур муғум.

РАУФ ПАРФИ ЁДИ

Уриб турган юрак зарби.
Беҳаловат шоир қалби,
Алифбонинг қутлуг ҳарфи –
Тимсолидир Рауф Парфи.

Замин-замон кўлкасида,
Сўз залвори елкасида,
Туркий олам ўлкасида
Ҳилолидир Рауф Парфи.

Сўзи шамшир каби кесган,
Кўнгли тоғлар каби ўсган,
Хурриятнинг сарин эсган
Шамолидир Рауф Парфи.

Шеъриятта пайваста тил,
Раиятта вобаста дил,
Ишқ аҳлига мисли Бедил –
Ниҳолидир Рауф Парфи.

Ёнар сўзи асл чақмок,
Сатрлари яшил япроқ,
Кўналғаси она тупроқ,
Зилолидир Рауф Парфи.

Ҳаёт билан ҳақиқатнинг,
Баёт билан тариқатнинг,
Шойистаю ғариқатнинг
Висолидир Рауф Парфи.

Аҳли улус далолати,
Калимаи шаҳодати,
Тирикликнинг ибодати –
Саволидир Рауф Парфи.

ЭТАКНИ ТОРТ

Бир мажалла манға хидмат раво кўрмуш,
Фидо бўлсам, фаровонлик бўлур турмуш.

Каломда шундайин келмуш, корда айб йўқ,
Шитоб қилдим, авжим барор, ишим юрмуш.

Сунбула-ю мезон ўтди рўшнолиҳда,
Дигар баъдаз чархи фалак юзин бурмуш.

Демушларким, бу қандоқ кас, келғон чаро,
Турфа гап-сўз ила бошлиқ изо бермуш.

Фитна-ғийбат тугаб эрмай ҳали бундоқ,
Кўчабошда дайди қўппак манға ҳурмуш.

Карвон ўтур, учрағон ит ҳурғай десам,
Бу карвонни тарқ этмасам, алар зўрмуш.

Лошим суриб кетар бўлсам, кўчам ойдин,
Магар ҳар кўйға солғаймуш, тили бирмуш.

Деди Ҳижрат, эсинг борда этакни торт,
Толеъингда қуёш бўлса, кўпдир юмуш.

ЮЛДУЗИМНИ ИЗЛАДИМ

Бул фано туфроқида ҳур сўзимни изладим,
Ул само яфроқида ой юзимни изладим.

Шикаста дилман гирён, ҳажрила бўлдим сарсон,
Шакаргуфтори бийрон, ёлғизимни изладим.

Танимга тушмиш савдо, жунбушга келмиш равғо,
Чарх уриб фасли ялдо, кундузимни изладим.

Муштариј бунча йироқ, ҳилол кўкдаги сўроқ,
Кўксимга тушди фироқ, юлдузимни изладим.

Пайкондек камон ёйга, умримиз қўяр пойга,
Келиб кетурмиз қайга, дил розимни изладим.

Насимдир хуш ифори, дилни ўрттар хумори,
Кўксимда ишқ тумори, ялпизимни изладим.

Ҳижрат дер жунун ичра, минг турфа қонун ичра.
Ул чархи гардун ичра мен ўзимни изладим.

ШОИРДАН НЕ ОЛАСАН?

Фавғонг олэмни бузар, шовқинга тўлди гузар,
Бунча от солиб хумпар, шоирдан не оласан?

Жанггоҳга дўнди майдон, ёғдирдинг турфа пайкон,
Лули рафторли шайтон, шоирдан не оласан?

Сандек номдор сўқим йўқ, фаросатда муқим йўқ,
Елкангла бир тўқим йўқ, шоирдан не оласан?

Мол-амалдан кўп таъманг, гоҳ хўжасан, гоқ маззані,
Бисёр кўрсатган нағманг, шоирдан не оласан?

Ваъз ўқийсан вадаванг, қуруқ чопар араванг,
Жонга тегди жазаванг, шоирдан не оласан?

Ҳашам-маишат тайин, семирасан кун сайин,
Сенга жон бермоқ қийин, шоирдан не оласан?

Бирлашса уч-гўрт нодон, оқилни қилур сарсон,
Таловда қолур карвон, шоирдан не оласан?

Худодан шафиқ тила, ўзингга тавфиқ тила,
Куйган охират ила, шоирдан не оласан?

Ҳижрат сабрида муқим, ёр ишқида йўқ хукм,
Үндан ўзга йўқ юким, шоирдан не оласан?!

ҚИСМАСИН

Мартабанг бўлмас магар, эну бўйдан қисмасин,
Даблабанг бўлмас эса, рангу рўйдан қисмасин.

Мол йиғиб, мансаб қувиб, хилқатинг шаъми адо,
Улфату бир кафтача ош, нону чойдан қисмасин.

Қанча олсанг рафтини, вазнидан елканг яғир,
Дунё-ю-дарёни кўй, жилға-сойдан қисмасин.

Юрма хушторзиқ ила, банди по ҳар риштаси,
Ул чаман гулзор аро, қоши ёйдан қисмасин.

Ҳур түғилдинг, ҳур сўзинг хок аро саргашгадир,
Кир-адирлар лоласи, жону жойдан қисмасин.

Шул ёруғ олам аро умридин ўтсин ризо,
Бандаи давворани базму тўйдан қисмасин.

Ҳижрат гуноҳкор банданг, ажри эмди не бўлур,
Охиратда икки газ хоку пойдан қисмасин.

ДУРУСТ

Аввало ҳар кимса ўз қадрига етган дуруст,
Қадрини топмас эса, даврадан кетган дуруст.

Ҳар мақомда от суриб, бози чавгон бўлмагил,
Зукко бир ақли расо липласин тутган дуруст.

Тўрт мучанг бўлса тугал, жаҳд қилиб ризқингни йиғ,
. Топганинг оши ҳалол, луқмани ютган дуруст.

Нотавон иснод ила чагласа шаънингга доғ,
Шайламай шамширу тиғ, охирин куттан дуруст.

Хонадор бўлсанг магар тақдири рўшно тила,
Гушна бўлгандан кўра, бехотин ўтган дуруст.

Гирдига олса тамом йиғнашиб турфа авом,
Оғизга айри солиб, ортидан телган дуруст.

Жонсарак жоҳилни қўй, ҳақ жазоси бор анга,
Хижрато ундан кўра машқини битган дуруст.

ДОВДИР ҚИЛУР

Ҳаққи ҳозиқ неки қилса, ҳаддини соҳир қилур.
Қатрага оламни жамлаб, мўъжиза содир қилур.

Бандаси алдов-хиёнат комида комрон яшар,
Сиртига сийратни жуфтлаб, афтида зоҳир қилур.

Юз қароликдан ёмон йўқ аҳли иймон оллида,
Аъмолида неки бўлса, шаънига носир қилур.

Гаввораи чархи даврон измидан айро эмас,
Яхшига раҳматни пешлаб собири моҳир қилур.

Минг балолиглар ичинда созлагай пайровини,
"Ал ҳаё-ю минал иймон" шаклини чодир қилур.

Асли наслида некбинлик зуҳри йўқ шайтон касе,
Чалғитиб муслимни диндан қотилу копир қилур.

Магар турқида кўрк бўлса, аъмолида баъд жимо,
Ато айлаб тутал давлат, бир хато қосир қилур.

Ҳукми аро не хатолик ҳасмига раво бўлди.
Токай эмди аҳли ҳаниос Ҳижратни довдир қилур?

ТАРОЗУ

Яратган тарозула шайин қилиб қўйипти,
Ҳар банда аъмолини тайин қилиб қўйипти.

Иймон умр қўргони, олган бўлсанг дуони,
Йўлингга туллар тўшаб, майин қилиб қўйипти.

Ҳар ким қылгай ўзига, нуқси ургай юзига,
Нобакорни шайтону лаъин қилиб қўйипти.

Халқи бешумор даврон, бирор тунд, бирор комрон.
Телба-ю девонани раъйин қилиб қўйипти.

Кимга ризқу рўз берган, кимга парча бўз берган,
Бирорга давлат бериб, камин қилиб қўйилти.

Фариқаи раҳматни, шойистаи жаннатни,
Аросату дўзахни таъмин қилиб қўйипти.

Хижрат, қай бир йўлласан, на соғу на телбасан,
Азал феъли-ҳўйингни ғамин қилиб қўйипти.

БАРАКАДАЙ

Ўтиб борар умр ботмон баракадай,
Ҳар субҳи-шом мисли сўнгги маъракадай.

Ичдинг, чекдинг, саёқ юрдинг. ялло қилдинг,
Кўркинг кетиб, тананг қотди тарашадай.

Яхши кўрдинг, ёмон кўрдинг, ризқни тердинг,
Неки қилдинг, аҳвол шунга ярашадай.

Ота-онанг бағрида шод-хандон эдинг,
Ғаддор ҳаёт сихта тортди баррачадай.

Алиф қаддинг буқди рўзғори мағфора.
Адо қилди жуфтинг ўтмас аррачадай.

Қайдан келиб қайга кетар қадим карвон,
Тахир тақдир туйнуги йўқ дарачадай.

Тўзон бўлдинг, хазон бўлдинг, магар билдинг,
Фалак измида ҳукминг йўқ заррачадай.

На май қолди, на сафоси, бўлиб ҳайрон,
Ҳижрат тураг тўрт томони чоррачадай.

ҒАНИМАТ

Булбули садпорага гулиузор ғанимат.
Ошиқи давворага рўйи гулзор ғанимат.

Шукуфта нazzора бўл, гардунда сайёра бўл,
Марду-майдонлар аро дўсту дийдор ғанимат.

Ҳикмат бил ҳар нафасни, баҳри мўъжиза асли,
Бешумор мардум аро лайли наҳор ғанимат.

Бу қудрат аёнига, гувоҳ йўқ поёнига,
Изоҳ йўқ баёнига, васли дилдор ғанимат.

Ҳабибга ошно азиз, нияти рўшно азиз,
Улфату ёр аҳлига аҳли рафткор ғанимат.

Кўргил, яралдинг надан, ҳар жон омонат маъдан,
Баҳри уммул ичинда васфи жаббор ғанимат.

Ҳижрат майдин шикаста, ичмоқни қилди баста,
Лаъли лабингдан жоно, шакаргуфткор ғанимат.

ЧИРОҚ ЭРМИШ

Тушимда кўринган ул ой чироқ эрмиш.
Ҳали навраста қадди ёй уроқ эрмиш.

Лавҳул маҳфуз садосига қулоқ тутсам,
Бани одам умри куроқ-куроқ эрмиш.

Заминдин то гардун қадар қамар янглиғ,
Тажаллий нурида балқан Буроқ эрмиш.

Калом илмига ҳад солмоқ азоб асли,
Қўлимда ҳар лафзи шамшир - яроқ эрмиш.

Ёнимда солланиб турмиш малаксиймбар,
Анга жоним зебигардон, тароқ эрмиш.

Қаро тортиб ғалат тушдан кўзин очса,
Ҳижратга суйканиб турган бароқ эрмиш.

ЭЙ ГУЛ

Иккимизга эй гул. кўшку равоқ бўлса,
Хилвагнишин май-у тансиқ таом бўлса.

Чучмомалар кулиб ўпса кўзларингдан,
Қизғалдоқлар чехранг узра ёноқ бўлса.

Сархуш ўлсам мушки анбар бўйларингдан,
Бошимизда юлдузлардан чироқ бўлса.

Сийпаб ўтса сочларингни сарин эпкин,
Бизга алёр айтган майса, ҳиёқ бўлса.

Булбули хониши янглиғ юрак куйлаб,
Қўлингдан ичгали майгун дудоқ бўлса.

Иниқи оташ жавҳаридин ташна кўнгил,
Таранг тортилган ёй, пайкон садоқ бўлса.

Шу байтни битди-ю Ҳижрат толди ўйга,
Қочар қайга хотин қўйган тузоқ бўлса.

ТОПИЛМАЙДУР

Замона саҳнида рострав сотилмайдур,
Йўлини топгани эплаб отилмайдур.

Сен-эй лодон, манга айтма ширин ёлғон,
Яхши одам тўғри гапни шолирмайдур.

Фалончининг феъли ганда, жиним суймас,
Мани лафзимга мудом терс, қўшилмайдур.

Кимни кўрса, оғиб кеттай фалон лақма,
Фалончи зўр, манга қарши гапирмайдур.

Фалончини заданг сўқдим, дами чиқмас,
Жилла бўлса, муштлашишга чақирмайдур.

Фалон байтал айғиридан қолмиш сабил,
Фалончини сигири ҳеч бақирмайдур.

Фалон ўлпок, фалон сўлпок, фалон маймоқ,
Боз устига дарвозаси ёпилмайдур.

Гапимни тинглагил лодон, мудровни қўй,
Мани сўзимни олган кас қоқилмайдур.

Гапимга гар боваринг йўқ, сўра мандан,
Магар биздек марду майдон топилмайдур.

МАРҲАБО

Фурбатда ғариб ўлсанг, чеҳранг бўлур каҳрабо,
Ватанда ҳабиб ўлғай хешу улфат, ақрабо.

Ишқи оташ жаҳдида ул мунтаҳо на бўлғай,
Ёр васлиға етишиди дийдор истаб Машрабо.

Иброҳим қурғон ул уй Каъбаи муаззама,
Каъба қурма, кўнгил топ, шудир эзгу матлабо.

Пули сиротдир асли тириклик ҷағиртоши,
Бандай ношукурни муслим қилур ҷархлабо.

Жаннат эшигигин истаб аросат қуюнида,
Муздини тўлолмассан бор мулкингни нархлабо.

Ҳар сониянг, ҳар лаҳзанг рушди ҳидоят ўлсин,
Хурлар хидматда бўлур иймонингни сақлабо.

Боқий жиҳодда дуйно шайтону раҳмон ила,
Одамни азиз қилди лавҳ ул-маҳфуз ҳатлабо.

Яхши-ёмон дам борки, бир кун топар интиҳо,
Ложарам, ўтғай бари, Ҳижрат кетдинг ўтлабо.

Қатраи дурдин сани нақши-нигор қилибдур,
Бу оламға келганинг қутлуғ бўлсин, марҳабо!

ТАТАР ҚИЛМИШ

Азал соҳиблари шундоқ ҳабар қилмиш,
Жами махлуклар сарварин башар қилмиш.

Бадарға бўлғон ул шайтон даме пойлаб,
Одам Ато орқасидин сафар қилмиш.

Уни қайраб, буни авраб сурон солмиш,
Бани одам ўртасинда ҳатар қилмиш.

Жами шўриш-у вовайло азал шундан,
Тириклик тафтини ғорат, батар қилмиш.

Тавбаға келмади банда бу аъмолдин,
Шайтонға ағдариб айни бақар қилмиш.

Ўзиға хуш хуружлардин қилиб қўргон,
Қолғонини тамом наҳий мункар қилмиш.

Этак силкиб қочди шайтон шу важҳидин,
Шайтонға дарс берниб они фатар қилмиш.

Деди Ҳижрат, бул энағар қандай бало,
Бу бадхўйлар мани баттар татар қилмиш.

САВДОНИ КЎРИНГ

Қоматида нур ёнади, жилвони кўринг,
Бўйида гул уйғонади, ишвони кўринг.

Солланади соч сунбули ғамзада бот-бот,
Ман адo-и дод булбули, телбони кўринг.

Наргис кўзиға бўлдим изо настарин янглиғ,
Жонимға ўт солдиғизо, ғалвони кўринг.

Лола ила баҳслашади икки ёноғи,
Қош киприги жуфтлашади, ҳулвони кўринг.

Сув тутади кафтларида ғамзай айёр,
Дил оқади тафтларида, жавзони кўринг.

Дудоғи гул ҳандонидур, шаккери маҳваш,
Нигоҳи дил зинданидур, савдони кўринг.

Не хуружи бўлса Ҳижрат, ичидин ўтди,
Ишқини фош қилди сийрат, расвони кўринг.

ОТМАГУНЧА

Чавандоз хавфни сезмас улоқда чопмағунча,
Кутурғон күпік тинмас кимсани қопмағунча.

Шайтони рожийм нурдин бино бүлғон аслида,
Одамни бузди жаннат әшигін ёпмағунча.

Шундан бузилди қони маҳшаргача то збад,
Шайтоний усул қилур айвонда ётмағунча.

Билдирмагай күнглини, бу тобутда не зохир,
Кучиб қадайдур ханжар, сүякка ботмағунча.

Кўрки, кул Аҳмад айтмиш, баттол кирдикор банда,
Кўнглига ором келмас, қавмини сотмағунча.

Кутмагил андин шафеъ, толеъи аламбардор,
Кирдикори шул эрур то ҳаром қотмағунча.

Ҳаргиз куйинма Ҳижрат, майхўрлик андин авло,
Ҳижрон ўтида жонинг, магар тонг отмағунча.

БИЛМАДИНГ ҲАРГИЗ

Ўтли умринг жаҳолатда, сажлани билмадинг ҳаргиз,
Мудом юрдинг залолатда, бандани билмадинг ҳаргиз.

Мехробинг бўлди мол-давлат, хиёнат, алдову савлат,
Иймонингни босди ғазфлат, Каъбани билмадинг ҳаргиз.

Нафси амморадир кўшкинг, чархи давворадир ашкинг,
Саъби сайёрадир ишқинг, пардани билмадинг ҳаргиз,

Балоларга дучор бўлдинг, эл ичра шармисор бўлдинг,
Шайтонга мардикор бўлдинг, муждани билмадинг ҳаргиз.

Саевлат кетиб соқов бўлдинг, ёлғиз яккамохов бўлдинг,
Асов эрдинг, косов бўздинг, зарбани билмадинг ҳаргиз.

Мақоминг қирчанғи дўлта, ортингда қолди қўп шијта,
Бошингда хунхор ойболта, кундани билмадинг ҳаргиз.

Ношукурда қаноат йўқ, иймондан аъло давлат йўқ,
Ҳижрат кимда саодат иўқ тавбага келмали ҳаргиз.

ЎРТАСИНДА

Бошингда қанча шўриш бор еру осмон ўртасида,
Фалат ишларни кўриш бор, сару поён ўртасинда.

Ўз уйимга ўзим сигмай, тўрт фасл дарбадар бўлдим,
Дағи итлар хуриб турди кўшку зиндан ўртасинда.

Деди завжай байталмон, бу уйни сотиб олғонман,
Мани маҳримга бош суқма, икки шайтон ўртасинда.

Қози-ю миршабға боргум, шаҳд ила сурҳо-сур қилғум,
Кўш бачамни кузур қилғум, олиб сотгон ўртасинда.

Қўринг эмди фақир ҳайрон, қози-миршаб ичра гирён,
Жангу мағал қўиди гўё япон-гирмон ўртасинда.

Ҳукмфармо қилди қози, ишга тушди тош-тарози,
Ким рози-ю ким норози, кулба қурғон ўртасинда.

Деди завжа, қамал қилдинг, қозига ҳам амал қилдинг,
Мани зеру забар қилдинг, шубҳа-гумон ўртасинда.

Ҳижрат тавба қилди демай, ақча сочди сомса емай,
Ушбу қисса якун топди марду занон ўртасинда.

МАКР БАЁНИ

Калом етмас макри одам баёнига.
Панд беради етти фалак шайтонига.

Эпин топса ўт қалайди товонингга,
Яксон қилар дучор бўлсанг гумонига.

Фитна ила бўхтон тўқиб ифво қилур,
Илон каби тортаверар домонига.

Оқил эрсанг, бугдойига шерик бўлма.
Теринг шилиб, шерик қилар сомонига.

Тўгри сўзга туққанинг ҳам ёвлашади,
Солиб отар сани Аржун камонига.

Ер талашиб кўзи тўймас лўхтакбози,
Охир борар қаро ернинг оромига.

Молу амал қутуртирас авбошини,
У ҳам бир кун тушар зақдум маромига.

Аъмолига ҳар ким олар Ҳақ ажрини,
Ҳақи ҳаққа, ҳаром тортар ҳаромига.

Нафси жоҳил ичра адo бўлди банда,
Фофил ўтди, етди умри поёнига.

КИМ БЎЛДИНГ?

Келиб дуйно севинчиға бамисли полапон бўлдинг,
Ажиб ҳайрат лисонида чароги хонадон бўлдинг.

Фароғатда униб-ўсдинг, наволарга тўлди кўксинг,
ОНқадар кўп эди дўстинг, гунон бўлдинг, дўнон бўлдинг.

Ёшлигингда эдинг думбул, қиёфанг хуш, забон булбул,
Амал сартахтида дулдул, феъли қажрав қобон бўлдинг.

Шараф топдинг бўлиб думча, гаҳи дулча, гаҳи хумча,
Ишлатиб тешаю-лўмча, Рум ҳайсари юонон бўлдинг.

Восвосмисан, ҳанносмисан, олий ҳарами хосмисан,
Қоқбошмисан, жунбошмисан, ботил макр жимон бўлдинг.

Рақибни ўнг келса отдинг, ўзингдан зўр келса сотдинг,
Аввал охир шул ҳаётинг ила бадном ёмон бўлдинг.

Деди Ҳижрат, шуми топган қадринг баҳоси, ким бўлдинг?
Фаришта чеҳрали шайтон маҳрида ломакон бўлдинг.

ҚАРЗДОР КЎРИНМА

Душманинг кўзига noctor кўринма,
Ёвни дўст қилишга зинҳор уринма.

Дўсти содиқликда ўзингдан пеш йўқ,
Кимсага ёвлашиб, ғаддор кўринма.

Шайтон зикридаги мулойим яғмо,
Кўзимга фаришта рафтор кўринма.

Кўргил, ҳар гиёҳнинг ўз меҳроби бор,
Гулга озор бериб, хунхор кўринма.

Нафсга тақво қилиб, оҳордан қолдинг,
Пешво пешбандида зуннор кўринма.

Ҳаромга урчитма умринг тафтини,
Жаҳолат кўшида бардор кўринма.

Искандар маёғи гарчи мақоминг,
Гуноҳкор бандага жаббор кўринма.

Ҳақдан жон қарзини такомил айла,
Фано бўстонига қарздор кўринма!

ЗАКОТИМДА

Қочди ором, қолди умрим талотўмда,
Жоним ҳалак, итлар изғир равотимда.

Абутуроб бўлдим ватан ҳижратинда,
Ғавсулаъзам сукути бор саботимда

Кулоқ тутсам, дилим сокин сабр ичра,
Самандарқуш тафти гулхан қанотимда.

Неки кечса, ўгди байтул гузоримдан,
Шарҳи баён рӯзи қалам-давотимда.

Кул ўлмаса, ризқи бисёр фано ичра,
Яратганинг ажри саркор нажотимда.

Сен эй дажжол, рафторингда аён макринг,
Бадр жангиги шиддати бор ғазотимда.

Банда қанча жабр кўрса, шунча ҳурдир.
Садаф янглиғ тоқатим бор закотимда.

НОЛИМА

Кўнглингга озор етурса, ул кишидан нолима,
Тийнати олуда оғу олқишидан нолима.

Издиҳом рўзинда тақво, мулкида такбир риё,
Турланар турли усулда, ранг-тусидан нолима.

Искандар ойинасидан толеъингта йўқ нажот,
Фитнакор қурбони қисмат кўзгусидан нолима.

Учраса нокас йўлингда, устихонингни ғажир,
Нафсида аждар мақоми, ултисидан нолима.

Зоҳири дўстона дилхуш, кўз қарошида фидо,
Хислати макрида пинҳон, кулгусидан нолима.

Ёвлашур гирдингда яғмо, кўр жаҳолат базмини,
Аъмоли қирчани ҳиммор тепкисидан нолима.

Гарчи кўп ноқислик Ҳижрат, бу ғалат сайёрада,
Қашқири бисёр чаманда тулкисидан нолима.

ТЎФОНИДАН

Неча сув тўфонида қолмиш бу дар буҳронидан,
Неча қавм ўт комида ёнмиш башар куфронидан.

Нуҳ набий ўз қавмини минг йилча даъват айлади.
Саксони муслим ўлиб, жон сақламиш тўфонидан.

Паҳлавон Мәҳмуд каби жоним синов гирдобида,
Гарчи Нуҳ эрмасди ул, минг тўфон ўтди жонидан.

Мулки ҳаррос ҳирсида Қорунни ер ютмиш тирик,
Мосуво бўлди авом, баднафс ила иймонидан.

Бўлма бунча жонсарак, жоҳил учун инсоф тилаб,
Тавбага келмас ҳариф, кўрқмай ажал зиндонидан.

Сару по қузғун мижоз, иблис билан вобастадир,
Оқибат жон муздини қилгай талаб курбонидан.

Чекинур зулмат бадар, Ҳижрат қуёшли кун улуг,
Минг тўфон бўлса магар, ўтгай чақин Язданидан.

ТҮНКАЛАР

Икки жоҳил бирлашса, битта оқил янчилар,
Яхши кўнгил кирлашса, елкангга тиф санчилар.

Сал бўш қўисанг жиловни, эгарлайди уловни,
Жонга солар буровни, шайтонга малайчалар.

Чагир қўзи қонталаш, қиласр сенга ёвқарашиб,
Гўштинг бўлар хомталаш, сўнгагингни парчалар.

Жин чиққандай тиқиндан, аврар узоқ яқиндан,
Даф қилмасанг биқиндан очар алҳол дарчалар.

Босим қиласр рўзингта, мил тортади кўзингта,
Кун бермайди ўзингта отин бўлган ғарчалар.

Қайга борса довуллаб, йўл топади совунлаб,
Атрофида жовуллаб хуриб турар лайчалар.

Ранги ўлакса бенур, дами қўланса гўсхўр,
Ошнаси шайтон эрур даъюс рафтор нарчалар.

Ичи қурум ҳасаддан, фитна анқир жасаддан,
Чиққан каби лаҳаддан кекирдаги найчалар.

Рост гапни ёлғон қиласр, ошингни ёвғон қиласр,
Кулоққа лағмон илар ҳанграб юрган харчалар.

Токайгача тилкалар бу танингни тўнкалар,
Хижрат, қўйсанг елкалар ватанингни мўрчалар.

БАҲРИ ИШҚ

Ҳозику ҳамёрасан, шавқатингдан, баҳри ишқ,
Бенасиб қилма мани, раҳматингдан, баҳри ишқ.

Аҳоринг ҳуррияту хоссатил-хосса мақом,
Ҳар тўқисда ёр зуҳур, санъатингдан, баҳри ишқ.

Ўн секиз минг мамолик дайр аро ҳукмингдалур,
Ҳар гиёҳ, ҳар сабзага заҳматингдан, баҳри ишқ.

Жумлаи ажри вафо мулкида сидрат ниҳон,
Бандани тутма дариф, шафқатингдан, баҳри ишқ.

От суриб майдон аро фарзни банд этмиш сипоҳ,
Гардида шоҳ танг эмиш, шоҳмотингдан, баҳри ишқ.

Кавкабингда минг фано, раҳматингда бир бақо,
Дил тажаллий гарқида, талъатингдан, баҳри ишқ.

Тобакай Ҳижрат қарам бўлғуси хотуниға,
Бошиға ёғдир патир, чалпакингдан, баҳри ишқ.

ЧОРИФИНГНИ УНУТМА

Уммонда нажот пойлаб, икки кемани тутма,
Икки қуённи овлаб, ўлжа баҳридан ўтма.

Дўсту-ёр ўртасинда ўз қадрингни улуг тут,
Овсар доно бўлар деб донни хирмонда кутма.

Ҳар усулда дов солиб, бурдинг кетмасин элда,
Оққа қарони чаплаб, бетга қарони суртма.

Нафсингга бўлсанг ғолиб, қўнгилни роҳати шу.
Умрингни сароб айлаб, бехуда оғу ютма.

Ҳар бандага ўлчовни бериб қўйган азалдан,
Бир кун келиб ҳачир ҳам тулпор бўлар деб йўртма.

Сарвари оламни кўр, фәқирлар фахри қиёс,
Гар Сулаймон таҳтида шоҳсан, гадони туртма.

Ҳижрат, кеча ким эдинг, қаён боргунг ғўддайиб,
Зарбоф хирқада бўлсанг, чоригингни унугта.

БАРДОРДА

Халқи Худо турли хулқу атворда,
Таърифига сўз топилмас атторда.

Оқил аён нури раҳмон тафтида,
Жоҳил аён турқи шайтон рафторда.

Оқил билан рўшнолиқ бор йўлингда,
Юкинг қолмас норинг бўлса қаторда.

Жоҳил жонга бало бўлар ёвушсанг,
Теринг шилиб, сомон тиқар бардорда.

Ошиқ эрсанг, ишқ ўюлидир жаҳонинг,
Жисми руҳинг ором топар шарорда.

Ризойи руҳ, санойи ишқ, илми ҳол,
Таважжуҳи ул хожай Аҳорда.

Ал-фақиру фахри уммат ризоси,
Шул сабабдин аҳли ориф бардорда.

ТИЛ УСТИДА

Барча ғавғойи шўриш. шўр замин бил устида,
Бандаси горат қўлтур, кўр, обу гил устида.

Афтида макри зухур, шум ҳаёт босмиш мухр.
Беқадр ўтмиш умр, мисли кўз мил устида.

Неча дунё эврилиб. неча эл кетди қелиб,
Ерда тўфон барқ ӯлиб, тошли сув Нил устида.

Заҳри қаттолдир ўзи, мор каби аврар сўзи,
Ҳирс адватда кўзи, иш кўрар тил устида.

Фикратида шарр-жимо, сайъятида минг зино,
Қисмати мавт ул-фано, билмагай фил устида.

Айланур кўклам-кузак, дилга қил Ҳақни безак.
Кўр, фалакда ойкезак, ўртанур йил устида.

Гарчи Ҳижрат қўл ғаминг, ўчмасин ёққан шаминг,
Бил ғанимат ҳар даминг, ҳар нафас қил устида.

ОҚИБАТ

Бу фалак мулки азал буҳронга келмиш оқибат,
Ибтидо-ю-интиҳо Яздона келмиш оқибат.

Жаннатий эрди Одам, туиди талотўм домига,
Нафсида дўзах ўти, шайтона келмиш оқибат.

Неча бор тоғлар чўкиб, бўлди само ер ҷоҳида,
Исрофил сурин чалиб, қурбона келмиш оқибат.

Зери по бўлди жаҳон, келмас қарор тавбасига.
Нуҳ набий қавми ажаб тўфона келмиш оқибат.

Садрида ҳирсу ҳижоб, жоҳил жаҳолат равтани,
Фитнасидин эҳли эл ларзона келмиш оқибат.

Неки қилди бандаси, олди мукофот ё жазо,
Ажриға қасди бало, меҳмона келмиш оқибат.

Бу қусур маҳшарғача Ҳижрат, қиёматдин нишон,
Шул сабабдин фаноға мастона келмиш оқибат.

КУШОЙИШДАЙ

Фасл ўтди гузоримдан қаро тушдай,
Аср ўтди хира тортган аёз қишидай.

Изни олган исковучдай кунлар ўтди,
Юракларда баҳт ифори фаромушдай.

Булут янглиғ само тоқи қарға-кузғун.
Учди кўнгил қизғалдоғи Ҳумо қушдай.

Билмадимки, гирбонимда кимни илки,
Толеъимга ҳукм сўқмиш фармойишдай.

Атрофимда турфа нусха, қурт-қумурсқа.
Гирдим олиб қарсак урмиши намойишдай.

Талошларда омон бўлса ғариб бошинг,
Жаҳду ғурбат безак бўлмиш оройишдай.

Неки ўтди, бошдан ўғир, сувга ташла,
Ҳижрат, бари қисматингда күшойишдай.

БЕРАҚОЛМИШ

Наққоши азал ҳуснинг оро берақолмиш,
Қайсари жүнун ахлиға ғавғо берақолмиш.

Кўклам малаги иффори-ла кўйлаги ял-ял,
Гул хандон отиб, лолага савдо берақолмиш.

Наргисга қарант, кипригидан равлади пайкон,
Лабларда тутиб рашкига ҳулво берақолмиш.

Булбул оҳ уриб, абри бэҳор йиглади юм-юм,
Ноласи сабаб, ишқига раъно берақолмиш.

Зангори гилям ажвон ила ерга тўшалмиш,
Сайқалга солиб дунёни, зебо берақолмиш.

Ҳулкар уялиб меҳробидан маҳлиё боқди,
Ул сарвноз ила қомати Лайло берақолмиш.

Ҳижратни кўриб, ақволига кулди-ю гулюз,
Оху қарашу муздига бўсо берақолмиш.

ШАРҚ ТАРОНАСИ

Санъатлар ичинда энг шарқонаси,
Юлдузлар сайлида дур-маржонаси
Регистон кўшкida жон жононаси -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Самарқанд базмида сайқали жаҳон,
Кўнгил меҳробида ишқ - зебигардон,
Мағрибдан Машриққа ястанган уммон -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Аслида ғарб - ғуруб, шарқ эди шафик,
Тафаккур ахлиға Ҳақ берди тавфиқ

Жон ила вужудга куй бўлди рафиқ -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Наволар уйғонар ҳар кошин, гиштда,
Навога айланар ҳар жон, ҳар ришта
Қуёшдан куй бўлиб ингани фаришта -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Лаъли Бадахшоннинг олтин ҳалқаси,
Соҳибқирон қурган тинчлик қалъаси
Ипак йўли бўлган шарқ машъаласи -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Истибдод янчилди, истиқдол кулди,
Энди Ватан озод, иқболи гулдир.
Ишқи жовидонга куй пайванд бўлди -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Шаънингга ярашар ҳар қанча талқин,
Пойинтта гул бўлиб тўшалай халқим,
Юраклар тафтидан порлаган ёлқин -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Дунёда онадай мўътабар зот йўқ,
Ватандай муқаддас, файзли ҳаёт йўқ,
Она - Ватан йўқдир - бил, қўшқанот йўқ,
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Тарона авжидир шодликдан дарак,
Сени қўшқулласин Ёсин-Таборак,
Тўйларга уланган тўйлар муборак,
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

ДУО

Аллоҳумма биҳамдика таборак,
Вассалату вассаламу дуодан.
Миналлаҳи таала вал муборак,
Ва хайриҳи ва шарриҳи худодан.

Яратган ҳукмига иқрори банди,
Тириқлик зийнати асрори жанда,
Бемаҳал заволу, туҳмат-балодан
Илоҳо асрагил, қилма шарманда.

Таъмали ош ема, миннати аён,
Қиёфа алдамчи, чиммати аён,
Ул аҳли китобнинг даъвати аён,
Илоҳо асрагил, қилма шарманда.

Иймондан аълороқ тугал давлат йўқ,
Мол-дунё ҳирсидан кабир гафлат йўқ,
Охират ҳукмидан ўзга ҳикмат йўқ,
Илоҳо асрагил, қилма шарманда.

Аллоҳумма мағfirли вал валийла,
Муслимин вал муслимат оламида
Насиб қилсин шойистай жаннатни,
Ато этсин ғариқай раҳматни.

2013 ЙИЛ ТИЛАГИ

Авжланади фалаклар баҳси,
Еру кўқда малаклар рақси.
Ўтган умр тириклик нақши –
Ҳар дил ошиқ, ҳар қўнгил бахши,
Кириб келган янги йил яхши.

Гул косада гулогун гулоб.
Тарозуда гуноҳу савоб –
Ҳар кунингни айлагатл тавоб.
Файзли юртга файзли эл яхши,
Кириб келган янги йил яхши.

Ризқда тўла замин ҳовучи,
Жаннатларда ишқнинг овushi.
Бошимизда илоҳа қуши –
Озод Ватан, ҳур манзил яхши,
Кириб келган янги йил яхши.

Рушноликка талпинар ҳар жон.
Эзгу тилак омаддан нишон.
Нурли бўлар эртамиз, ишон –
Шу азиз юрт, аҳли дил яхши,
Кириб келган янги йил яхши.

Турланади бу гулкор замон,
Қадам ташла эзгулик томон.
Бошинг тощдан бўлсин, жон омон –
Дилни покла, ният қил яхши,
Кириб келган янги йил яхши.

Мундарижа

Анбарафшоним Ватан.....	3
Калом.....	4
Чумоли.....	4
Сано.....	5
Билдиримайгина.....	6
Тинмас.....	7
Тоза гул.....	8
Ишқи илоҳий.....	8
Мезон.....	9
Тақдир.....	10
Худпараст.....	11
Тавба.....	12
Мўлтонилар.....	12
Нафас.....	13
Жунун манзили.....	15
Мангу ишқ.....	16
Ватан шаъни.....	17
Балдаи маҳфузा.....	18
Улуг юрт.....	19
Сен баҳорни бошлаб келасан.....	20
Ойбарчиннинг нидоси.....	21
Асқар Маҳкам хотираси.....	22
Фасли ҳамаи.....	23
Жангномаи Яхё.....	24
Шоирларнинг бахиси.....	25
Ҳамал келди.....	26
Соҳибқирондир Ватан.....	27
Аёл ва баҳор.....	28
Баҳор ташрифи.....	29
Софиндим.....	30
Зебона.....	31
Шунга шу.....	32

Сұхайло.....	33
Самарқанд мадҳи.....	34
Сорбон Самарқанд.....	34
Билмасин.....	35
Яхёга айт.....	35
Тасаддуқ.....	36
Фасли ишқ.....	37
Жулдурвақоға.....	37
Сомсадин.....	38
Ойпари.....	38
Бардаки.....	40
Балодур.....	41
Чироқ.....	41
Истаюр.....	42
Софиндук.....	43
Табиатнинг.....	43
Пардасидурмиз.....	44
Мажора.....	45
Маликаи Бұдур.....	45
Ажаб дунё.....	46
Қолдыму Бобур ғазалиға мухаммас.....	46
Яхшилиқ Бобур ғазалиға мухаммас.....	47
Тутай Навоий ғазалиға мухаммас.....	48
Мушарраф күн Жомий ғазалиға мухаммас.....	49
Түш.....	51
Сұққабош.....	51
Байтал.....	52
Тажанглаб.....	53
Битқазиб.....	53
Султонимиз.....	54
Фаров.....	54
Зиндага.....	55
Қүён бўлғон.....	56
Ўтдан қўйма.....	56

Ҳаёт ҳикмат.....	57
Чирманда кўп.....	57
Бормағон яхши.....	58
Етишмайди.....	59
Нима ёзар?.....	59
Дъяво бўлакча.....	60
Лаганбардор.....	60
Вақтингчалик.....	61
Ичбурмаси.....	61
Ишқал.....	62
Уй можароси.....	63
Шийпон.....	63
Бозингга боз.....	64
Рауф Парфи ёди.....	65
Этакни торт.....	66
Юлдузимни изладим.....	66
Шоирдан не оласан?.....	67
Қисмасин.....	68
Дуруст.....	68
Довдир қилур.....	69
Тарози.....	70
Баракадай.....	70
Ғанимат.....	71
Чироқ эрмиш.....	72
Эй гул.....	72
Топилмайдур.....	73
Марҳабо.....	74
Татар қилмиш.....	74
Савдони кўринг.....	75
Отмағунча.....	76
Билмадинг ҳаргиз.....	76
Ўргасинда.....	77
Макр баёни.....	78
Ким бўлдинг?.....	78

Қарздор кўринма.....	79
Закотимда.....	80
Нолима.....	80
Тўфонидан.....	81
Тўнкалар.....	82
Баҳри ишқ.....	83
Чоригингни унутма.....	83
Бардорда.....	84
Тил устида.....	85
Оқибат.....	85
Күшойишдай.....	86
Берақолмиш.....	87
Шарқ таронаси.....	87
Дуо.....	89
2013 йил тилаги.....	90
Мундарижа.....	91

Адабий-бадиий нашр

**Нуруллоҳ Достон
(Н.Остонов)**

ФАСЛИ ИШҚ

Муҳаррир - Порсо Ҳошим
Мусаввир дизайнер - Шухрат Мирфаёзов
Мусахҳих - Зилола Остонова
Компьютерда саҳифаловчи - Нилуфар Мавлонова
Сураткаш - Тоҳир Норкулов

Нашр. лиц. АI № 104, 15.07.2008 й. Босмахонага 09. 09. 2012 йилда
берилди. Босишига 14.01.2013 руҳсат этилди. Қоғоз бичитми - 84x108 $\frac{1}{32}$.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоги - 6,0.

Адади 3000 нусха. Буюргма № 73.

Баҳоси келишилган қарҳла.

- MERIYUS хусусий матбаа-нашириёт корхонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, генерал Узоков кўчаси, 2-“а” уй.
Тел: 228-94-11